

КАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Mustaqillik huquq demakdir


Ифтихор



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 15-avgust, №33 (866)



Ифтихор

Тадбир

Касб маҳорати ва малакани ошириш йўлида

Отабек ХОЛБОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси Ҳарбий суд билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқадиган талаблар" мавзусида минтақавий ўқув-семинар машғулотини ўтказди. Унда ҳарбий прокуратура ходимлари ҳамда ҳарбий суд судьялари иштирок этди.

Ўқув-семинарда жиноят учун жазо тайинланишида юртимиздаги қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиш кераклиги таъкидланиб, амалиётда йўл қўйилаётган баъзи хато ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш хусусида сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги қароридан келиб чиқадиган талаблар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ўқув-семинарда машғулот иштирокчилари томонидан ўртага ташланган саволларга атрофлича ва тўлақонли жавоблар берилди.

Дилларда байрам шукуҳи

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирга хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, оксоқоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллиқнинг илк кунларидан белгилаб берилган "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, бу барча соҳаларда эришилаётган ютуқларнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат

мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ яқинлашиб келаётган истиқлол айёмига муносиб қўтиб олишга республикамизнинг барча ҳудудларида қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш, биноларни таъмирлаш ишлари жадал олиб боришмоқда. Ёзувчи ва шоирлар, олимлар, маданият ва санъат намояндalari иштирокидаги мулоқот ва учрашувлар ҳурриятимизнинг қадр-қимматини ва аҳамиятини, эришган ютуқларимизнинг, бугунги тинч ва осойишта, тўқин ва бахтиёр ҳаётимиз моҳиятини ҳамюртларимизга теран тушунтиришга хизмат қилмоқда.

Ўз муҳбиримиз

Мустақиллик — аввало, ҳуқуқ дегани

Ҳар гал мустақиллик байрами яқинлашганда қалбимиз ажиб бир ҳис-туйғулар билан тўлиб тошади. Мустақиллик — аввало, ҳуқуқ эканлиги, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканлиги яна бир бор ёдга тушади.

Оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда ер юзи халқлари уч мингга яқин тилда гаплашар экан. Бу — дунёда шунча халқ мавжуд дегани. Аммо ўз мустақил давлатига эга халқлар сони унчалик кўп эмас. Суверенитети халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган, жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот — БМТга аъзо давлатлар сони 200 дан сал ошади, холос. Улар орасида Ўзбекистоннинг ҳам борлиги, халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамай, ўзининг мустақам иродаси, қатъияти ва матонатини, истиқлол ғояларига садоқатини намойён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганлиги бизга чексиз гурур бағишлайди.

Истиқлолнинг ўтган йигирма икки йилли мамлакатимиз учун ҳар ҳабада, яъни давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий ва маънавий, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва миллий хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлди.

Шу ўринда биргина мисол. Уста деҳқонларимиз яқинда ризқ-рўзимиз ва бойлигимиз манбаи, дастурхонларимизнинг тўқинлиги, тўқчилик белгиси бўлмиш галладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, улкан меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Бу йилги мавсумда ўртача ҳосилдорлик 55 центнерга етган. Шу муносабат билан Юртбошимизнинг мамлакат галлакорларига йўллаган табриғида таъкидлашнича, "Жорий йилда барпо этилган улкан галла хирмони 90-йилларда мамлакатимизда шу борада мавжуд бўлган ҳолат билан қиёслаб, солиштирадиган бўлсак, бизнинг тарихан қисқа даврда тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган буюк йўлни босиб ўтганимиз, бу галабанинг нақадар юксак, юртимиз учун нақадар қадрли экани яна ва яна бир бор аён бўлади. 1991 йилда Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкамизда жами 940 минг тонна галла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик бор-йўғи 17 центнерни ташкил этганини, Республикамиз дон ва ун таъминоти бўйича бутунлай марказга қарам бўлиб кун кечир-

Салом САМАДОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори

ганини ўзимизга фараз қилсак, ўтган йиллар мобайнида галла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик 3 қаррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айни пайтда хорижий давлатларга дон экспорт қилишга эришганлигимиз бизнинг қандай юксак марраларни забт этганимиздан яққол далолат беради".

Яна бир факт. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 июлда бўлиб ўтган мажлисида қайд этилишича, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 7,3 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 16,1 фоизни ташкил қилган. Умуман олганда, истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг изчиллиги билан ўсиши кузатилаётган бўлса-да, охириги йилларда бундай юксалиш 8 фоиздан кам бўлмапти. Жаҳондаги бир қатор давлатлар 2008 йилда бошланган глобал инқироз гирдобидан чиқолмай, қарз ботқоғига ботаётган бир пайтда давлатимизнинг шундай ютуқларга эришаётгани қайси ўзбекистонлики қувонтирмайди, дейсиз.

(Давоми 4-бетда)

Беписанд муносабат

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда аҳолининг муносиб турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратилиш кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар натижасида қонун устувор бўлган фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори барпо этилди. Ушбу жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадриятлардан бўлиб ҳисобланади ҳамда давлат бошқарув органилари томонидан ҳимоя қилинади. Давлат идорасида ишлайдиган ходимлар тааллуқлилигига кўра, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини пайсалга солимай қўриб чиқишлари, қонуний талаб ва илтимосларини ҳал этиш чораларини қўришлари, қонунга зид даъволари бўлса, қаноатлантиришнинг имконияти йўқлиги ҳусусида бафуржа жавоб қайтаришлари лозим.

Республика Бош прокуратурасининг тегишли топшириқлари асосида туман прокуратураси томонидан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, давлат бошқаруви идораларида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя этилиши ўрганилганда, бу борада туман ҳокимлигида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги кўзга ташланди. Хусусан, "Дамкўл" қишлоғининг "Гулобод" қўчасида яшовчи фуқаро А.Хайдаров ва бошқалар туман ҳокимлигига аҳоли ва ҳомийлар ёрдамида шағал ётқизилган қўчанинг 2 километр саҳни

ни асфальтлашда амалий ёрдам сўраб ариза ёзишган. Ушбу ариза туман ҳокимлигида рўйхатга олинган ва ўрганиб чиқилиб, қонуний ҳал этиш учун капитал қурилиш масалалари бўйича ҳоким ўринбосарига чиқарилган. Аммо ҳоким ўринбосари Д.Абдукаримов томонидан ариза муаллифларига жавоб беришда қонунда белгиланган муддат ўтказиб юборилган. Бундан ташқари, ҳоким ўринбосари фуқаро А.Нишоновнинг "Фар Новкент Рустам" ММТП дан сотиб олган, "Новкент" қишлоғида жойлашган новвойхона ўрнида шахсий поликлиника, дорихона ва нон дўкони қурилишига рухсат бериш сўраб қилган мурожаатига ҳамда фуқаро Т.Етмишовнинг туман ҳокимининг қарорига асосан «Саткак» МФЙ ҳудудига қуриб битказилган ишлаб чиқариш цехи ва офисни фойдаланишга қабул қилишда амалий ёрдам сўраб ёзган ариза-сига тегишли муддатда жавоб бериш учун "вақт топмаган".

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида белгиланган "Ариза ва шикоятлар масалани моҳиятдан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай қўриб чиқилади", деган талабни бузган мансабдорга нисбатан туман прокуратураси томонидан қўзғатилган маъмурий жавобгарликка оид

Маъруф ХУЖАМКУЛОВ,
Фаргона туман прокурори

иш жиноят ишлари бўйича Фаргона туман судида қўриб чиқилиб, ҳоким ўринбосарига нисбатан жарима жазоси қўлланилди.

Таҳлилларда шунингдек, туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи А.Ҳамралиевнинг мурожаатларга беписанд муносабатда бўлгани ҳам аниқланди. У «Каптархона» қишлоғида жойлашган "Тайёрлов савдо" МЧЖ раҳбари И.Усмоновнинг туман ҳокимлигидан қонуний ҳал этиш учун ўзининг номига чиқарилган, қуриб битказилган оғирхона биносини фойдаланишга қабул қилишда амалий ёрдам кўрсатиши сўраб ёзган ариза-сига 3 ой-у 9 кун мобайнида ҳам жавоб бергани фурсат топмаган. Тадбиркорни оворай-сарсон қилган мансабдор маъмурий жавобгарликка тортилди.

Қонун устувор бўлган фуқаролик жамиятининг талабларидан бири — давлат бошқаруви идоралари ходимлари фуқароларга хизмат қилишга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилганлар. Ўзини эл-юрт хизматига қамарбаста деб билган ўзини ўзи бошқариш органилари, давлат идораларининг мансабдор шахслари қонунларга сўзсиз амал қилишлари, айниқса, фуқароларнинг мурожаатларига сезгир муносабатда бўлишлари лозим.

Юртимизда эл осойишталигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Маҳаллаларда назорат масканлари ишлаб турибди. Чегара ҳудудларида яшовчилар эса жамоатчилик асосида сарҳааларимизда ҳахсизлигини таъминлашга беминнат ҳисса қўшмоқдалар. Бироқ бундай осойишталикни бузишни кўзлаганлар ҳам топила экан.

Қонунсиз иш — қони ташвиш

Султонбек ЮЛБАРСОВ,

Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Отабек Комилов ана шундай "олғир"лардан бири бўлиб қикди. У мўмай даромад топиш мақсадида кечалари ухламай, байроқонуний речалар тузди. Охири ўтган йил августда Қирғизистон Республикаси ҳудудига айланма йўллар орқали ўтиб, чет эл фуқароси "Нуриддин" исмили шахс билан учрашган Отабек унга 800 минг сўм пул бериб, "Ягуар" номли спиртли ичимликни чегарадан яширинча олиб ўтишга келишди. 3 сентябрь куни "Москвич-412" русумли автомашинасини миниб, чегара ҳудудига келади ва аввалдан келишчилгани боис, белгиланган вақтда Қирғизистондан Ўзбекистон томон оқиб ўтувчи ариқдан Нуриддин оқиётгандаги ўзбекистонли бирма-бир олиб ўтпай бошлади. Шундай қилиб 1344 дона, ҳар бири ярим литр ҳажмдаги ароқларни машинанинг юкхонасига жойлаб, Андижондаги ҳажон бозори томон йўл олганда ички ишлар бўлими ходимлари томонидан тўхтатилади.

Шу йилнинг 15 январиди Андижон туман суди биносиди мазкур жиноий иш муҳокама қилинди. Тўплаган ҳужжатлар, экспертиза ҳулосалари ҳамда ҳолисларнинг кўрсатмалари асосида судланувчи Отабек Комилов ўз айбиға тўла иқдор бўлди. Одил судлов инсонпарварлик гоёларига амал қилган ҳолда Отабекнинг қилмишини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 2-бандида ижтимоий ҳавфи унча катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши кўрсатилганини ҳисобга олди. Суднинг ҳукмига кўра, умумий қиймати 8 млн. сўмликдан ортиқ бўлган яроқсиз спиртли ичимлик йўқ қилиниб, "Москвич-412" русумли автомашина жиноят қуроли сифатида давлат эгаллигига ўтказилди.

Қаллоблик панд беради

ЁХУД ҚАЛБАКИ ДИПЛОМЛАР ХУСУСИДА

Мамлакатимизда таълим тизimini ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг ижобий самаралари ҳар қадамда кўзга ташланиб турибди. Бугун ёшларимиз барча қулайликларга эга бўлган замонавий биноларда таълим олмақдалар. Таълим тизимидаги бундай ўзгаришлар ҳар бир кишини қувонтиради, аммо айрим туманлардаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида рўй бераётган қаллобликларни қўриб дил ранжийди.

СВОЖДЛҚК департаментининг Кито туман бўлими томонидан ўтказилган текширишдан кўринадики, туманининг баъзи бир таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида"ги ҳамда "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамағармаси тўғрисида"ги Низомлар талабига зид ҳолатлар кўзга ташланади. Жумладан, Кито коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежида тарифация комиссияси томонидан 2011 йил 2 сентябрь ҳолатида 2011-2012 ўқув йили учун тузилган тарифацияжадалига ишлаб чиқариш таълими устаси З.Ёқубов, хазиначи А.Азимов, акборот-ресурс маркази раҳбари С.Холбоева ҳамда ўрта мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлайётган Н.Юлдошева, Ф.Тўйчиева, А.Жабборов, Б.Бўронов каби педагоглар асосий ўқитувчи сифатида нотири қиритилиб, шат-смета интизомы бўзилган. 2011 йил сентябрдан 2012 йилнинг май ойига қадар жами 20 млн. 578,6 минг сўмлик бюджет маблағи ортиқча сарфланишига йўл қўйилган. Шунингдек, коллеж ўқувчиси А.Қўчоров 2012 йил март ойида ишлаш учун Қозғистон Республикасига кетган бўлса-да, коллежнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Д.Аҳмедова келгусида унга коллеж

Қаҳрамон ХОДЖАЕВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг

Қаҳқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи

дан диплом олишга шароит яратиб, расмий ҳужжат ҳисобланган журналга сохта маълумотлар киритиб келган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан департаментнинг туман бўлими томонидан Кито коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи мансабдор шахсларига нисбатан ЖКЖнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди, суриштирув ҳаракатлари олиб борилад ва суд ҳукмига кўра жазо муқаррарлиги таъминланди. Бундай қонунга зид ҳолатларни Яқабог туманидаги айрим ўқув даргоҳлари мисолида ҳам қўриш мумкин. Масалан, Яқабог агробизнес касб-ҳунар коллежи директори А.Баҳромов ва бошқа мансабдорлар мансаб ваколатларини суистеъмол қилган ҳолда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлар. Улар Россияга ишлашга кетган ва дарсларда умул иштирок этмаган тумандаги 13-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Б.Назаровни 2007-2008 ўқув йилида 9-синф коллежга ўқишга қабул қилганлар. Дарсларда иштирок этганлиги тўғрисида давомат журналига сохта маълумотлар киритиб, қалбаки рейтинг дафтарлари юритишган. Аслида ўзи йўқ ўқувчи учун 2010 йил июнь ойида ушбу коллежчи битирди, деб 2012 йилда қалбаки диплом ҳам тайёрлаб беришган. Шунингдек, 2010-2011 ўқув йилида узоқ муддатда ишлаш учун Россия Федерациясига кетган Ш.Нуриллаев, Ю.Қудратов ва бошқа бир қатор ўқувчиларга дарсларда мунтазам иштирок этган дея қалбаки ҳужжатлар, ёзувлар, рейтинг дафтарлари юритиб, улар учун ҳам сохта дипломлар тайёрлаб бериш юзасидан давлат аттестация комиссиясининг баённомасини тузилган.

Мазкур ҳолат ҳам департаментнинг Яқабог туман бўлими томонидан ўрганилиб, жиноий иш қўзғатилди ва суд ҳукмига кўра айбдорларга жазо тайинланди.

"Ҳар ким эканини ўрали"... Нақалар топиб айтилган га! Ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатга берилган баҳо! Неча йиллар муқаллам айтилган бўлса-а, бугун ҳам ўз исботини топиб келмоққа. Яъни фарзандлар тарбияси борасида, ҳалоллик ва нопок йўллар билан топишган ризқ ҳақида сўз борар экан, беихтиёр ана шу ҳикмат тегранга айланаверами...

Ҳар ким эканини ўради

Адҳамжон СОТТИЕВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг

Чуст туман бўлими бошлиғи

Биз ҳам фаолиятимиз давомида бу нақлнинг исботига кўп бор шохид бўламиз. Айниқса, акалар, мени кечиринглар! Қайта бу ишни қилмайман", дея илтижо билан ялинишга тушганларни кўрганда эслаймиз шу мақолани. Бироқ ялиниб-ёлвориб билан қонуний жазодан қутулиб бўларми?! Жиноятга эса жазо муқаррар.

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан, шу жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан хусусий ҳамда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижаси ўларок, давлат рўйхатидан ўтиб, маълум бир ишнинг "бошини тутиш"га ҳаракат қилаётган ҳамюртларимиз қонуний маслаҳат ё бўлмаса ёрдам сўраб мурожаат этишмоқда. Жумладан, Чуст туманидаги "Нахмиддин Лутфулло" МЧЖ раҳбари Носиржон Абдуллаев бўлимибизга мурожаат этиб, урологияга ихтисослашган хусусий шифохона қуриш нияти борлигини, қурилиш ва тиббий жиҳозлар учун кредит олиш масаласида кўмак сўраб, "Миллий банк"нинг туман бўлими бошқарувчисига келмакчи бўлиши билан тақдим этгани, бироқ негизиб бу масала ҳал этилмай келинётганини ёзган.

Мазкур масала юзасидан зудлик билан "Миллий банк"нинг Чуст туман филиали бошқарувчисига бўлим номида қат қилинди. Н.Абдуллаевга 150 млн. сўм кредит расмийлаштирилиб, 50 ўринли урология шифохонаси қад ростлади. Прокуратуранинг аралашуви билан туман электр тармоқлари корхона-

си мутахассислари томонидан мазкур бинода электр-монтаж ишлари ҳам бажарилди. Шу сазй-ҳаракатлар натижасида туманда яна 16 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда хусусий шифохона туманимиз аҳлига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Чуст — ҳунармандлар шаҳри. Етти ёшдан етмиш ёшгача бирор касб-кор ортидан ризқ топишга ўрганган. "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Бурхон Раҳимов ҳам ҳунар орқали обрў-эътибор топан инсон. Фарзандлари ҳам унинг ортидан бориб, ота касб — темирчиликни улуғлаб келишмоқда.

Яқинда Б.Раҳимов бўлимибизга мурожаат этиб, оилавий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳолда эшик ва ромларга олиш-мошиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нияти борлигини билдирганди. Ёрдамибиз билан Б.Раҳимов бошчилигида "Чуст металл техно сервис" хусусий корхонаси ташкил этилди. Ҳозирда Бахтиёр ва Баҳром ҳам отаси Бурхон ақанинг ёнида туриб, мазкур корхона равақи йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Чиндан ҳам, ҳар ким эканини ўради. Фақат меҳнат ва ҳаракат қилаётганлар бунинг мазали мевасини олиши таъин. Шунингдек, уларни порлоқ ва ҳаловатли келажак қутади. Шундай экан, биз ҳалол ишлайётган ҳамюртларимизни қўллаб-қувватлашга доим тайёрмиз.

Қонунбузилишлар бартараф этилди

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан юртимизда табиати муҳофазаси қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада соҳага доир бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши ҳамда бугунги кунда улар янада такомиллаштирилиб боришмоқда. Ўз навбатида прокуратура органлари томонидан табиатни асраб-авайлашга хизмат қилувчи қонун ҳужжатлари ижроси устулан мунтазам равишда назорат ўрнатилган.

Навоий вилоят прокуратура органи томонидан "Табиатни муҳофазаси қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ижроси юзасидан вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитасида ўтказилган текширишларда табиатни муҳофазаси қилишга доир қонунларга риоя этилиши устулан давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар етарли даражада бажарилмаётганлиги маълум бўлди.

Текширишларда аниқланишича, вилоят бўйича чиқиндиларни жойлаштириш объектларининг 6 таси қўмитада давлат кадастрдан ўтмаган ва уларнинг меъёрий ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилмаган, шунингдек, чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини тасдиқлаш чоралари кўрилмаган. "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида чиқиндилар қўйиб ташланадиган ва утилизация қилинадиган жойларнинг давлат кадастрини юритиш қўмитанинг ваколат доирасига кириши белгилаб қўйилган бўлса-да, амалда чиқиндиҳоналарни қонун талаби доирасида тартибга келтириш чораларини қўйиш унутиб қўйилган.

"Табиатни муҳофазаси қилиш тўғрисида"ги Қонунига кўра, қорхоналар, ташкилотлар ва муассасалар атроф-муҳитга таъсирнинг

йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаларини тартибга солиш экологик ва бошқа йўсиндаги мезонларни ишлаб чиқишлари шарт, экологик нормативларни эса қўмита ўзига берилган ваколатларга мувофиқ тасдиқлаши лозим. Шундай бўлса-да, қонун талаблари ижросини таъминлаш борасида ишлар лозим даражада олиб борилмаган. 2013 йилнинг 1 июнь ҳолатига жами 45 та, шундан 23 та қорхона ва ташкилотларнинг чиқиндилар билан боғлиқ атроф-муҳитга таъсирнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаларини тартибга солиш экологик норматив-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланиши таъминланмаган. Жумладан, Навоий шаҳридаги "Электрохимзавод" АЖнинг экологик меъёрий ҳужжатининг амал қилиш муддати 2008 йилнинг 15 апрель кунини тугаган. Бундан қарангки, орадан 5 йил ўтган бўлишига қарама-қарши бу ҳужжат ҳанузгача ишлаб чиқилмаган ва қўмита томонидан тасдиқланмаган.

Худди шу каби "Навбахор пахта тозалаш" МЧЖ томонидан бундай меъёрий ҳужжатлар умуман ишлаб чиқилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?! "Қизилтепа пахта тозалаш" МЧЖ меъёрий ҳужжатининг амал қилиш муддати 2008 йилнинг 4 январидан, "Хатирчи пахта тозалаш" МЧЖ

Бахриддин АХМЕДОВ,
Навоий вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

меъёрий ҳужжатининг муддати эса 2010 йил 8 ноябрда тугаган ва шу билан улар гўё унутилган. Бундай ҳолат қўмита томонидан назорат етарли даражада олиб борилмаганлиги оқибатида юз берган.

Текширишларнинг кўрсатишича, қўмита томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудда атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизimini такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 2006 йил 6 февралдаги "Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар тизimini такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорларига асосан қорхоналарга ҳисобланган компенсация тўловларини ўз вақтида ундириб бориш, бу тўловларни муддатда тўламаган ҳўжалик субъектларига нисбатан пенялар ҳисобланиши ўзибўларчилиққа ташлаб қўйилган. Хусусан, 2013 йилнинг 1 июнь ҳолатига "Минг бир кеча" ошхонаси, "Навоий гипс" ва "Навбахор кимё" қорхоналари, "Файзли йўл", "Бўстон қурилиш сервис" ва "Зарафшон транс" МЧЖлари компенсация тўловларини белгиланган муддатларда тўламаган бўлсалар-да, қўмитанинг маҳаллий ҳамғарма бўлими бошлиғи Б.Мирзаев ва бўлим етакчи мутахассиси Н.Эргашеванинг масъулиятсизлиги оқибатида ушбу қорхоналарга тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоиз ҳамқоридидаги жами 2 984,5 минг сўмлик пеня ҳисобланмаддан қолган.

"Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Табиатни муҳофазаси қилиш қўмитасига чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланган соғлиқни сақлаш, "Ўзқоммухизмат" агентлиги тизимидида идоралар ҳамда "Саноатэкоконтехназорат" давлат инспекциясининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколати берилган. Аммо қўмита томонидан белгиланган ваколатлардан самарали фойдаланиш ишларига умуман эътибор қаратилмаган. Қайд этилган давлат органларининг чиқинди билан боғлиқ соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш борасида бу органлар билан 2012 йилда биронта ҳам чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилмаган, соҳада ўзаро ҳамқорликда баҳарлигини вазифалар белгилаб олинмаган. Шунингдек, текширишларда қўмитанинг синов лабораториясида радиолог синовларни ўтказиш, атмосфера ҳавосининг ифлосланишини назорат қилиш, автотранспорт воситаларида чиқадиган газ чиқиндиларини назорат қилиш учун фойдаланилаётган ўлчаш воситалари қўйслаш қўриғидан ўтказилмаганлиги аниқланди.

Текшириш натижасига кўра қўйилганлар прокурор назорати ҳўжатлари орқали аниқланган қонунбузилиши ҳолатларининг бартараф этилиши таъминланди.

Кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳўқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг бюрократик тўсиқларсиз, эмин-эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратувчи бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тизими янада соддалаштирилди. 2012 йилнинг 27 апрелида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни эса кўплаб юрталашларимизга тадбиркорлик билан шўғулланиш учун янада катта имкониятлар эшигини очиб берди.

Тадбиркор манфаати — устувор

Акмалжон ШОДМОНОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Қувасой шаҳар бўлими бошлиғи

Тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имтиёزلардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги Фармонидир. Мазкур Фармонга кўра, эндиликда тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтганда, унинг номи, ташкилий ҳўқуқий шакли ўзгарганда, муҳр ва штамп эскизини тасдиқлаш ҳамда ташкилот тугатилганда уларнинг муҳр ва штампларини йўқ қилишни рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи амалга ошириши тадбиркорлик субъектлари учун орқича оворагарчилиқнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартиришлар мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, қўшимча иш ўринларининг яратилишига, фуқаролар турмуш даражасининг янада ошишига, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг республикамизга таъсирини янада камайтиришга хизмат қилади.

Оилавий тадбиркорлик — оила аъзолари эр-хотин томонидан тавakkал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадида амалга оширилаётган ҳамда оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган фаолиятдир. Оилавий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатлар фуқароларнинг тенг ҳўқуқчилиги принциплари, ўзаро ишонч ва ҳўрмат, ҳамжихатлик асосига қурилади.

Кичик бизнес аҳолининг катта қисми учун меҳнатни қўллайдиган соҳа ва даромад манбаи ҳисобланади. Бу соҳа етарли малака ва тажрибаси бўлмаган меҳнат ресурсларини жалб этувчи меҳнат бозорининг энг мослашувчан қисмидир. Бу соҳада машғул кишиларнинг аксарият қисми учунгина эмас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам даромад манбаи бўлиши кичик бизнес миллий фаровонлиқнинг ўсиши учун муҳим омил бўлиши мумкин.

Кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмай, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила фаровонлигининг манбаи бозор муносабатлари шароитида туддан ўзгарди. Чунки, олдин оила даромади асосан иш ҳақидан таркиб толган бўлса, эндиликда бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик билан шўғулланиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Оилавий тадбиркорлиқнинг муҳим йўналишларидан яна бири оилаларнинг шахсий томорқасида фаолият кўрсатиш бўлиб, бу энг аввало, оилалар фаровонлигини оширишнинг муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз тараққиётининг пировард мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт кечиритишга қаратилган экан, демак, иқтисодий кўрсаткичлар фақат ўртача иш ҳақи ёки бошқа ўртача кўрсаткичлар билан эмас, балки ҳар бир шахс, фуқароннинг фаровонлиги билан белгиланади.

Бугунги кунда "Тадбиркор манфаати — устувор" деган тушуна асосида ишлаш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланган. Тадбиркор учун қонун ҳўжатлари билан белгилаб берилган меъёrlарга қатъий риоя этиш, белгиланган солиқларни ўз вақтида тўлаш, банкдан ташқари ноқонуний нақд пул муомаласини амалга оширмаслик ва солиқ тўлашдан бўйин товлашининг олдини олиш аинқиса муҳим. Шу мақсадда қонун ҳўжатлари бузилишига йўл қўйиб келаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини оғохлантириб, жазонинг муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш юзасидан мунтазам равишда тушунтириш ва тарғибот ишларини амалга ошириб бориш лозим.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиши, бюрократик тўсиқчиликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳўқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютасга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.


№	Прократура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қоракалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 225-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва муурожаатларини қўндалик навабчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳўқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Мустақиллик — аввало, ҳуқуқ дегани



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Эришилган ютуқларнинг асосий омиллари ҳақида гап кетганда, мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига алоҳида тўхталиш жоиз. Бу борада 2013 йилнинг 1-ярми мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 699 та тadbир натижасига кўра 6037 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 2392 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Протест келтириш йўли билан 479 та ноқонуний ҳужжатлар қонунга мувофиқлаштирилди. 880 та тақдимнома билан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича чоралар кўрилди. Қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида 1533 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилиб, 2740 нафари интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Судларга 1,2 млрд. сўмлик зарарни ундириш ҳақида 395 та даъво ари-

залари киритилди.

Қонунларни қўпол равишда бузиш ҳолатлари бўйича 114 та жиноят иши кўзгатирилган. Прокурор текширишлари натижасида ва жиноят ишлари бўйича тергов жараёнида аниқланган 3,1 млрд. сўм зарар ундирилган.

Олиб борилаётган назорат тadbирларида асосий эътибор тadbиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Масалан, Нукус шаҳар ҳокимлиги томонидан тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда ҳамда фаолиятини лицензиялашда 14 та тadbиркорлик субъектдан асоссиз равишда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида йўғим ундирилиб, жами 535,5 минг сўм миқдорида ортиқча тўлов олинishiга йўл қўйилганлиги ва ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб олинганлиги аниқланиб, ҳокимлик масъул ходими П.Казбековга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатирилди.

Бу борада прокуратура органларида ташкил қилинган "007" рақамли ишонч телефонларининг имкониятла-

ридан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан ишонч телефонлари орқали қабул қилинган жами 61 та мурожаат ҳал қилинган. Жумладан, 2013 йил 3 март куни Тўрткўл туманида яшовчи хунарманд Ю.Атажановнинг "Тўрткўл савдо комплекси" МЧЖ худудидан хунармандлар учун раста очилишига ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати ўрганилиб, мазкур бозор худудида хунармандлар учун 25 ўринга эга бўлган раста яратиб берилиши таъминланди. Бундан ташқари, тadbиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида жами 189 та учрашув ўтказилиб, тadbиркорлик субъектларига рухсатнома бериш, бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ва соҳага оид ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларнинг асосий омил бўлмоқда. Бугунги фермер ерга эгалик қилиши, ишининг кўзини билиши, ўзи ҳам фаровон яшаб, эл-юрт фаровонлигига ҳам катта ҳисса қўшиши билан собиқ тузум давридаги қишлоқ хўжалиги ҳодимларидан тубдан фарқ қилади. Шу боис прокуратура органлари фаолиятида фермерлик ҳаракатининг жадал ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, ер майдонларидан фойдаланишда қонунбузилишларга чек қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Нукус туман ҳокимлигининг "Нурмуҳаммад Абдусамат" фермер хўжалиги, Беруний туман ҳокимлигининг "Камронбек — Зулфизар" фермер хўжалиги ерларини ҳокимлик захирасига қайтариш ҳақидаги асоссиз қарорлари протест асосида бекор қилиниб, фермерларнинг қонун билан қўрикландирилган

манфаатлари ҳимоя қилинди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида прокуратура органларининг бевосита ташаббуси билан 67 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларга фаолият юритишлари учун 9195,2 гектар ер майдони ажратиб берилди. Шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 39,9 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар, 5,4 млн. сўмлик иш ҳақлари, 2 тонна нефт, 10,6 тонна ўғит, 13 дона техника, 30,1 тонна уруғлик олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Худудда қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жиноятчиликка қарши муросасиз кураш олиб бориш орқали жонажон Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш прокуратура органлари ҳодимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг давлат бошқаруви идоралари, жамоат ташкилотлари, аҳоли билан ҳамкорликда амалга оширган кенг қўламли чора-тadbирлари натижасида жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида умумий жиноятчилик 18,1 фоизга, шундан оғир ва ўта оғир жиноятлар, рецидив жиноятчилик кескин камайishi таъминланди.

Сўзимизни бежиз мустақиллик ҳақидаги мулоҳазалардан бошламадик. Мустақиллик — энг буюк неъмат. Халқимиз бугун Президентимиз бошчилигида тинч-осуда ҳаёт кечириб уйлар кураётган, тўйлар қилаётган, фарзандларининг камолини кўриб, жамики эзгу орзу-ниятларига етишаётган экан, ҳар қанча шукрона айтсак арзийди. Холбики "бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деганларидек, жажон айвонида юз бераётган воқеа-ҳодисалар бугун ҳаммамизни оғоҳ ва ҳушёр бўлишга, бугунги дорилмон кунларнинг қадрига етишга ундайди.

Озод ва обод Ватан учун

Қорақалпоғистонда Тахтақўпир туманининг ўзига яраша алоҳида ўрни бор. Мустақиллик йилларида туманимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Меҳнат қилишнинг энг илғор шаклига ўтилади. Юзлаб фермерлар, тadbиркорлар, ишбилармонлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар.

Бахтиёр ЖОЛДАСОВ,
Тахтақўпир туман прокурори

Туман прокуратураси ҳодимлари ҳам эришилаётган ютуқларга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, халқ хўжалигининг қатор соҳаларида Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини ҳамда қонунларга риоя этилишини назоратга олишган.

2013 йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 3 та текшириш ўтказилиб, текширишлар якуни бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида 10 та тақдимнома киритилди. Бунинг натижасида 36 нафар шахс интизомий жазога тортилди, 27 нафарига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар кўзгатирилди. Корхона ва ташкилотларга келтирилган моддий зарарларни қоплаш мақсадида судларга 6 та даъво аризаси келтирилди. 14482 минг сўмлик моддий зарар их-


тиёрий ундирилди. 1 та ҳолатда жиноий иш кўзгатирилиб, 15 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, туманимизда ўтган йилларга нисбатан жиноятчиликнинг камайishiга эришилди. Қасддан одам ўлдириш, ўғирлик, босқинчилик каби оғир жиноятлар содир этилмади. Фуқароларнинг прокуратурага ишончи ортаётгани ҳам бизни қувонтирмоқда. Турли муаммоларга оид келиб туш-

ган 40 та ариза ва шикоятнинг 22 таси ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. 35 нафар фуқаро прокурор томонидан қабул қилинди.

Фарзандлар бизнинг келажакимиз, орзу-умидимиз. Уларга Президентимиз ибораси билан айтганда, "Биздан озод ва обод Ватан" қолиши шарт. Бироқ...

Кенжабек Қуванишбеков ва Фотима Саконовалар 2000 йилда расмий никоҳдан ўтмасдан турмуш қурган эдилар. Вақт ўтиб фарзандли бўлишди-ю, кўп ўтмай ажрашишди.




Фотима касаллиги туфайли 2012 йил октябрь ойида вафот этди. Бола бобо ва момосининг қўлида қолди. Ота бўлимиш Кенжабек ўтган вақт давомида фарзандидан бирор марта ҳам хабар олмади. Яшаш шароити билан қизиқмади. Аниқланишича, у Қозоғистонга кетиб қолган экан. Бемехр К.Қуванишбеков оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Никоҳ бекор қилинганча, фарзанд ота ёки она меҳридан айрилади. Мийрас Каримов рафиқаси Дариҳа Қосбергенова билан ажралишганда қизчаси Чиноргул онаси билан қолди. Қонун бўйича Мийрас қизи 18 ёшга тўлгунга қадар алимент пули тўлаши шарт эди. Лекин у бундан бош тортди. 16 ой давомида сал-

кам 2 млн. сўмни қизига беришни лозим топмади. Прокуратуранинг аралашуви билан масала ижобий ҳал этилди. Отадан пул қизалоққа ундириб берилди.

Жорий "Обод турмуш йили"да туманимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Юрт обод бўлса, халқ тинч, дастурхон тўкин бўлади. Меҳнат қилишга иштиёқ ҳам кучаяди. Шу маънода янги иш ўринларини очишга ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Жумладан, туман ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман Бандликка қўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 2 маротаба меҳнат ярмаркалари ташкил қилинди. Йил давомида шу тариқа 926 та янги иш ўрни яратиш ниятида.

Саҳифаларда Қорақалпоғистон Республикаси



Муваффақият гарови

Ўтаётган ҳар бир кун бизни халқимиз ҳаётидаги энг қутлуғ сана — Мустақиллик байрамига тобора яқинлаштирмоқда. Амударё туман прокуратураси хошимлари ҳам бошқа юртдошларимиз қатори байрамни муносиб кутиб олиш, яъни зиммаларига юклатилган вазифаларни бекам-кўст бажариб, ҳудудда қонун устуворлигини таъминлаш, шу орқали мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида шаклландан меҳнат қилмоқдалар.

Фарҳод АЛИМБЕРГЕНОВ,
Амударё туман прокурори

Биламизки, ишни режа асосида ташкил қилиш кўзланган мақсадга эришишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Шу боис йил бошида тузиб олинган пухта режага асосан жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида туманда жиноятчиликка қарши кураш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида туман прокуратураси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилди. Умумий жиноятчиликнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоизга камайганлигини ушбу ҳамкорликнинг самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Худудда қонун устуворлиги қандай таъминланаётганлигини мутасадди идоралар томонидан фуқароларнинг муносабатларига бўлаётган муносабатдан ҳам билиб олиш мумкин. Амударё тумани мисоли-

да айтадиган бўлсак, туман прокуратурасига 2013 йилнинг олти ойи давомида турли мазмундаги 163 та ариза келиб тушган. Уларнинг 30 таси бевосита туман прокуратураси томонидан ҳал этилган. 11 таси қаноатлантирилиб, 9 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган. 15 та ариза юзасидан тушунтириш берилиб, 132 та ариза ҳал қилиш учун тегишли буйича бошқа идораларга юборилган.

Фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида айрим масалалар юзасидан юртдошларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш зарурлиги аён бўлиб қолаётти. Бунга мисол тарикасида Қиличбой овул фуқаролар йиғинида яшовчи Малика Уразалиева ва Пардагул Раҳимованинг чорва молларини сотиб олиш учун "Агро банк"нинг Мангит филиалидан кредит ололмаётганлиги ҳақида туман прокуратура-

сига ёзган аризасини келтириш мумкин.

Текшириш жараёнида маълум бўлишича, туман ҳокимининг 2011 йил 19 июлдаги қарорига асосан туманнинг Қиличбой ОФЙ ҳудудида деҳқон ҳўжалигини юритиш учун фуқаро М.Уразалиевага 0,16 гектар, П.Раҳимовага эса 0,08 га ер участкалари ажратилган. Шунингдек, юридик шахс бўлмаган деҳқон ҳўжалиги давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан М.Уразалиевага 2011 йил 23 июль куни ва П.Раҳимовага 2011 йил 28 июль куни гувоҳнома берилган. Шунингдек, М.Уразалиева ҳамда П.Раҳимовалар чорвачиликни ривожлантириш учун кредит сўраб банкка муурожаат этмаганликлари ва зарур ҳужжатларни тақдим этмаганликлари ҳам аниқланди. Аризани кўриб чиқиш жараёнида уларга кредит олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш лозимлиги тушунтирилиб, ҳужжатларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатилди.

Ривожланган давлатлар даражасига қаламба-қалам яқинлашган Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ўтказилаётган туб ислохотлар ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябргаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фермерлик ҳаракатини юксалтириш сари қўйилган яна бир муҳим қалам бўлди.

Фермерлик ҳаракати: такомил ва ривож

Сарсенбой СЕЙТНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар Кенгаши раиси

Фармон эълон қилинган, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига мутасадди мутахассислар билан бирга ҳар бир ҳудудга бориб, фермерлар кенгашининг мақсад ва вазифалари юзасидан тушунтириш ишлари ташкил этилиб, деҳқонлар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказилди. Ер билан тиллашнинг ҳадисини олган деҳқонлар аниқ билишдики, замон юксак суръатда ривожланаёпти, бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ ҳўжалигида ҳам янги-янги ёндашув, истиқболларга йўл очиб бериш учун улкан кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда туманларнинг аҳоли гавжум манзилларида "Деҳқон бозори" ташкил этиш юзасидан бир қатор ҳокимликларнинг қарорлари чиқарилди. Бу биринчидан, аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирса, иккинчидан, етиштирилган маҳсулотларни сотишдаги айрим муаммоларнинг ҳал этилишини анча енгиллаштирди.

Бугун фермер нафақат маҳсулот етиштирувчи, балки ўша маҳсулотни қайта ишловчи мулкдор бўлиши керак. Бу вазифани амалга ошириш учун эса унга тажриба керак. Етарли тажриба олиш ва ўша тажрибани амалиётга татбиқ этиш учун Элликкальва тумани Фермерлар кенгаши раиси Ш.Фахритдинов Германия Федератив Республикасида, Кўнгирут тумани "Каймоқ-бизнес" фермер ҳўжалиги раҳбари Г.Жапақов Польша Республикасида хизмат сафарига бўлишди. Улар чет давлатлар тажрибасини ўрганиб келиб, ҳамкасбларига бу тўғрида батафсил маълумотлар беришмоқда. Натижада фермерларимиз орасида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари барпо этишга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда.

Ўзбекистонда янги боғ-тоқзорлар ва интенсив боғлар барпо этиш, яроқсиз боғ ва тоқзорларни реконструкция қилиш масалаларига давлат миқёсида аҳамият берилмоқда. Бу соҳадagi вазифаларни амалга ошириш йўлида самарадорликка эришиш мақсадида Нукус шаҳридаги Агро-иктисодиёт касб-хунар коллежида Қорақалпоғистон Республикасининг соҳага алоқадор вазирлик, корхона, ташкилот, банк, ихтисослашган фермер ҳўжаликлари, агрофирмалар вакиллари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Семинарнинг аҳамиятини жиҳати шу бўлдики, фермерларимиз боғдорчилик ва узумчилик соҳаларидан ҳам катта даромад олиш имкониятлари мавжудлигига ишонч ҳосил қилишди. Фермерларга тегишли қўлланма-китоблар тарқатилиб, илгорларга рағбатлантирувчи совғалар берилди.

Бизни қувонтирадиган жиҳатлардан яна бири, ҳозир фермерлик ҳаракатини юксалтириш учун республика миқёсида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Эл дастурхонини турли улкан ноз-неъматларга тўлдирish учун астойдил меҳнат қилаётган деҳқон-фермерларга яратиб берилаётган имтиёз ва қулайликлар ўзининг самарасини беришига ишончимиз комил. Айниқса, жойларда кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари сони тобора кўпаяётгани қувончли ҳолдир. Пахтачилик ёки галлачилик баробарида ишлаб чиқариш, балиқчилик, паррандачилик ёхуд бошқа бiron қўшимча йўналишда фаолият кўрсатиб, яхшигина даромад олаётган фермерлар анчагина. Булар юртимизда фермерлар ҳаракати йилдан-йилга такомиллашиб, ривожланиб бораётганлигидан далолатдир.

Кези келганда таъкидлашимиз жоизки, ишимизни тўғри ташкил қилишимизда бизга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратуралари яқиндан ёрдам бермоқда. Айниқса, Бош прокуратурамиз томонидан Беруний туманида "Фермерлар кенгашлари фаолиятини ривожлантириш, фермерларга ер ажратиш, ер ижара шартномаларини бекор қилишда қонунларга риоя қилиш" юзасидан ўтказилган тадбирда бу борада олдимизда турган вазифалар аниқ белгилаб берилди. Биз бу йўналишдаги ишларимизни янада жадал суръатларда давом эттирамиз.



Саломатлик — туман бойлик

Инсон дунёда орзу-умидлар билан яшайди. Уларга етишиш учун тинимсиз меҳнат қилади. Аммо саломатлиги жойида бўлмаса, унга ҳеч нарса татиймайди. Шу боис халқимиз "Саломатлик — туман бойлик", деб бежиз айтмаган.

Саломатликни сақлаш ҳар кимнинг ўз кўлида. Бунинг учун киши танасини чиниқтириши, спорт билан шугулланиши, овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш маданиятига риоя қилиши лозим. Мен бунини шифокор сифатида фуқароларга тушунтиришдан, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан чарчамайман.

"Иссиқ жон иситмасиз бўлмас", деганларидек, юртдошларимиз бiron касалликка чалинганларида малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалар. Бу мамлакатимиз Конституциясининг 40-моддасида қафолатланган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ҳар жабҳада бениҳоя юксалганлиги соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бугун юр-

тимизда янги врачлик пунктлари қурилмаган қишлоқлар деярли қолмади. Улар энг замонавий, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Уларда юқори малакали тиббиёт ходимлари фаолият юритишмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган бундай гавжурликларнинг самараси сифатида Ўзбекистонда ўртача умр кўриш даражасининг сезиларли ошганлиги ҳам мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг қандай ишлаётганини кўрсатиб турибди. Биздан талаб қилинадигани яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган гавжурликларга муносиб жавоб қайтаришдир.

Онсия СЕЙТОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Нукус шаҳри

Сиёсатнинг ҳуқуқ билан уйғунлашуви

Жамиятнинг ижтимоий муносабатларида таркиб топган сиёсат ва ҳуқуқ бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, улардаги ўзаро уйғунлик давлат ва жамият олдига турган мақсадаларга эришишда ижобий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояга асосланган давлат жамиятда ҳақиқий демократик сиёсатни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан бирга, зарурий талаблардан бири бўлган ҳуқуқий нормаларни адолат, эркинлик, тенглик ҳолати асосида ва инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамма нарсадан устун қўйган ҳолда яратилиши ва ушбу ҳолатга мос равишда такомиллаштиришга, мукаммаллаштиришга хизмат қилади.

Давлат сиёсатининг ҳуқуқ билан ўзаро алоқаси ҳамда боғлиқлиги ҳозирги замоннинг зарурий масалаларидан бири ҳисобланади. Чунки, юридик расмийлаштирилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар барча фуқаролар учун, шунингдек, давлат хизматчилари, депутатлар, мансабдор шахслар учун тенг бўлса, у адолатли ва инсонпарвар ҳисобланади.

Ҳозирги кунгача Ўзбекистонда кечаётган демократик риёвжланиш, Конституцияга, қонунларга, халқро ҳуқуқ нормаларига амал қилиниши бундай ҳужжатларнинг сиёсий амалиётда қўлланилиши билан узвий боғлиқдир. Zero, давлат барча сиёсий масалаларни ушбу ҳужжатларга қатъий амал қилган ҳолда ҳал қилмоғи лозимдир. Ҳуқуқнинг қонунларда юридик жиҳатдан қанчалик ифодаланиши унинг давлат сиёсати билан шунчалик боғлиқлигини, уйғунлашуви белгилан беради.

Сиёсатнинг ҳуқуққа асосланганлиги жамиятнинг барқарорлашуви ва жипслашуви, шунингдек, оқилона ислохотларни бажаришга хизмат қилади. Ҳуқуқ ва ахлоқ мамлакатдаги бир инсонпарвар ва демократик сиёсатнинг амалга оширилиши билан узвий боғлиқдир.

Ҳуқуқ ибораси кундалик ҳаётимизда кўп қўлланиладиган тушунча бўлиб, "ҳақ", "ҳақиқат" сўзларидан олинган. Ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши таъминланган, муҳофаза қилинадиган қоидалар, меъёрлар мажмуидир. Қадимги Рим мутафаккирлари ҳуқуқни яхшилик, ҳалол яшаш, ҳар кимга ўзига муносибни бериш, ўзгаларга зарар етказмаслик, эзгулик ва адолат санъатидир, деб таърифлаган. Шарқ мутафаккири, қомурий олим Абу Наср Ал-Форобий ҳуқуқни фозил кишиларнинг ҳақиқий бахтга эришиш воситаси, деб тушунган. Ҳуқуқ, унинг фикрича, мамлакатда тинчлик ва ҳавфсизлигини таъминлаш, тараққиётга шарт-шароит яратиш, ижодий меҳнатга имкон яратиш воситасидир.

Ҳуқуқ сиёсатга бир қанча йўналишлар бўйича таъсир кўрсатади, жумладан, оммавий ҳуқуқ воситасида (Конституция, Конституциявий қонунлар) жамиятнинг сиёсий тизими мус-

таҳкамланади; сайлов тизимининг амал қилиш механизми (сайлов ҳуқуқи, ҳокимият тақсимланиши ва ҳокзо) ва фуқароларнинг сиёсий эркинлиги таъминланади.

Ҳозирги даврда жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари томонидан амалга оширилиши демократик давлатларга хос белги сифатида эътироф этилади. Бинобарин, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили жамиятнинг тарихий ривожланиши жараёнида инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий усулларидан бири сифатида ўзининг хусусиятларини тўла намоён этиб келмоқда.

Маълумки, ҳокимиятлар бўлиниши принциплари асрлар мобайнида илмий жамоатчилик вакиллари томонидан кенг муҳокама этиб келинаётганлига қарамай, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатларни тенг тақсимлаш ҳамда мувозанатда сақлашнинг энг мақбул йўллари излаб топиш масаласи ҳамон долзарбликка эга қолмоқда. Чунки, ҳокимиятлар бўлиниши принциплари давлат қўрилиши ва бошқарувиининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, ҳокимият олий органлари ўртасидаги муносабатни тартибга солиб турувчи "тароз"и ваифасини бажаради. Бу эса жамиятнинг давлат томонидан идора этилиши самардорлигини таъминлаш қафолати бўлиб хизмат қилади.

Шу боис ҳам бугунги кунда мамлакатимизда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалда тўлалигича рўйга чиқариш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" асосида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига) "ги Қонуни қабул қилиниб, бугунги кунда ҳаётга ижтимоий таътиб этилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжат давлат ҳокимияти ва бошқарувиини демократлашти-

риш ҳамда парламент ислохотларини чуқурлаштиришда янги босқични бошлаб берди десак, асло муболага бўлмайди. Унга қўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, бунда сиёсий партияларнинг қатнашиши ва парламент ролининг ошиши, Бош вазирнинг ҳисоботлари парламентда эшитилиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тўлиқ асосда конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниди.

Чунончи, Конституциямизнинг янги тахрирдаги 78-моддаси 15-бандига биноан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш Қонунийлик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатларига киритилди. Бу конституциявий қоида парламентнинг ижро ҳокимиятига таъсирини янада ошириб, ҳуқуқат фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали бўлишини таъминлайди, албатта.

Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатасининг Регламенти тўғрисида" ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида" ги Конституциявий Қонунларда Қонунийлик палатаси ва Қонунийлик палатаси депутати, Сенат ва Сенат аъзоси давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган ҳуқуқат тушутириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли эканлиги белгилан қўйилган. Парламент сўровига жавобин давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари белгиланган муддатларда палаталарнинг мажлисларида берадилар.

Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" да бу борадаги қонунийлик асосларини янада мустаҳкамлаш, айниқса, бунда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви

руви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида" ги Қонунни қабул қилиш зарурлиги қайд этилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, ушбу қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш имконини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам қучайтиришга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги, оммавий ахборот воситаларининг бу борада жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлашдаги ролини янада оширишга замин яратади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамиятнинг демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон халқи танлаган йўлнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлапти.

Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевоқиф алоқадор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатланади. Суд ҳокимияти ҳуқуқий маконининг конституциявий белгиланиши мазмунини фуқароларга нисбатан судловни амалга оширишда ўзбосимчалликка йўл қўймайди, одил судловни амалга ошириш, ҳуқуқ ва эркинликлар қафолатини яратиш, шунингдек, чиқарилган ҳукм ва қарор юзасидан шикоят қилишлари учун имконият яратиш ҳамда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти учун алоҳида XXII боб ажратилган. Бу бобда суд ҳокимияти моҳиятини очиб берувчи қатор меъёрлар берилган ҳамда суд фаолиятини ташкил қилиш, судлов тизимини белгилан каби масалалар ўз ечимини топган.

Одил судлов фаолиятининг амалга оширилиши қонунийлик ва ижро ҳокимияти тармоқлари сингари, суд ҳокимиятининг ҳам нақадар муҳим ва масъул вазифаларни мавжудлигини кўрсатади. Бу эса давлат ҳокимияти тармоқларининг тенг ҳуқуқлигини, мақсадларининг бирлигини, давлатни бошқаруви

Абдуқаҳҳор ТЎХТАБОЕВ,
Мирзо Улугбек туман прокурори

ришда бирдек масъулият билан фаолият кўрсатишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида қабул қилинган ва амалдаги қонунларга киритилган ўзгаришлар суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичини бошлаб берди. Бу босқичнинг моҳияти, энг аввало, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида қатъий ҳаракатга келганлигига қўринади. 2001 йилда қабул қилинган "Жиной жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги Қонуни либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўтас қоидаларига жиддий янгиликлар киритилди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий қилинди. Жиноят ишларини тергов қилиш, шахсини ҳисда ушлаб туриш, ишларни судларда қўриб қилишининг янги тартиби ва қатъий муддатлари белгиланди.

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга, ҳуқуқий таъсир этиш механизмларини такомиллаштиришга ва одил судловнинг сифатини оширишга, судларнинг вазифаларини кенгайтириш, шунингдек, обрўсини оширишга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш чора-тадбирлари қўрилди. 2012 йил 18 сентябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислохот қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бунинг яна бир ифодаси бўлди. Маъмур қонун билан жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг ишларни қўриш борасидаги ваколатлари кенгайтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган қонунларни мунтазам такомиллаштириб боришининг аҳамияти беқеъсидир ва бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлақонли ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқларининг муҳим қафолати

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим омига айланимоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" да фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласига тўхталиб, мамлакатимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолининг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиш даври бўлганлигини алоҳида қайд этди.

Фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб борган сари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этиб бораверади. Zero, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан қучли жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши фуқаролик жамияти барпо этишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонунийлик ва адолатлиликни қучайтириш, улар фаолиятида очик-ошкораликни таъминлаш, ижтимоий адолат ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари юқорида қайд этилган Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий ме-

ханизмининг яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида" ги Қонунни қабул қилиш тақлифини илгари сурди.

Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини қучатиш ва назорат қилиш мақсадида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари — оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, қасба-йўшмалари томонидан амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлардир.

Дунё таърибаси шунини кўрсатадики, жамоатчилик назорати, биринчидан, фақатгина жамият учун эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Zero, жамоатчилик назорати қонуларнинг самарали ишла-

шини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга ва уни ҳимоя қилишга даъват қилади, давлат тузилмаларининг барча давраларда такомиллашувини таъминлайди. Жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиги ошади. Иккинчидан, жамоатчилик назорати орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларининг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлиги ортади. Бу ўз навбатида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада самарали кечишини таъминлайди. Учунчидан, жамоатчиликнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаш орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ўз фаолиятларини янада самарали ташкил этиш имконияти яратилади.

Ойбек ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон транспорт прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

Биз қурган иморатларни кўринг

Якшанба кuni кечки пайт набираларим билан Фарғона вилоятидаги янги хиббонга йўл оламиз. Қурилиши ниҳоясига етиб қолган кичик ҳалқа йўлининг Навоий номи ва Оқариқ кўчалари кесишган чорраҳасидаги чироқлари чарогон янги хиббонда йўлқалараро гилам бўлиб тўшалган хушбўй майса исидан димоғларни чоғ йиғит-қиллар, кекса-ю ёшлар, ота-оналар фарзандалари билан сайр қилишиб, йўл четигаги ўриниқларда суҳбат қуришяпти. Хиббоннинг теварагида жойлашган "Олимпия заҳиралари" спорт коллежи, қайта қурилган уяли алоқа илорасининг биноси, савдо дўконлари, теннис кортининг жозибасидан кинининг баҳри дили яйрайди.

Яқиндагина чорраҳадаги эски, кўримсиз бинолар ўрнида барпо этилган кўркам хиббон шаҳарнинг хуснига хусн қўшди. Дилтортар, кўнгил яйраб, ҳордик чикарадиган сайилгоҳга айланди. Хиббонда доира шаклида қурилган фавворанинг сувлари куй-қўшиқларга ғамоханг равишда гоҳ пасайиб, гоҳ баланд отилиб, рангдор товланаётганлиги дилни яйратади.

Шаҳримиздаги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари бобокалонимиз Амир Темурнинг "Бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурган иморатларни кўринг", деган сўзларини ёдга солади. Соҳибқирон номи билан аталган кўча ҳам истиқлол шарофати билан таниб бўлмас даражада ўзгарди. Эски пасткам иморатлар ўрнида мўхташам меҳмонхона, "Фарғона ҳақиқати" вилоят ҳокимлиги газетаси таҳририяти ва

"Дўстлик" меҳмонхонаси ораллиғидаги бўш ер ўрнида жиноят ишлари бўйича вилоят судининг янги биноси қад ростлади. Амир Темур ва Навоий номи кўчаларнинг чорраҳасидаги кинотеатр, "Мархабо" ресторанининг бинолари қайта таъмирланиб, фусункор тус олди.

— Юртбошимизнинг "Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳримиз кўчалари, майдонлари, маҳаллалари кўркам ва гўзал қиёфа касб этмоқда, — дейди Фарғона шаҳрининг бош архитектори Эргашали Маҳмамов. — Шаҳар марказидаги "Маърифат", Ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний номи кўчаларнинг икки

юзини энлаган умумий ҳовли уйларнинг қулбачалари ўрнида тўрт, беш, етти қаватли салобатли турар жой, савдохизмат кўрсатиш корхоналари, турли идораларнинг, банк муассасаларининг кўркам бинолари қуриб битказилмоқда. Кўчалар кенгайтирилиб, автоуловларнинг тўрт-олти қаторли қатновига мослаштирилмоқда. Сув, табиий газ, электр энергия тармоқлари янгидан қурилмоқда ва таъмирланмоқда. Марғинолсой ўзанига қурилган 12 та кўприк реконструкция қилиняпти, яна 2 та янги кўприк қуриш режалаштирилмоқда. Кенгайтирилган кўчалардаги йўлларнинг икки четига қайтадан манзарали дарахт кўчатлари ўтказилляпти.

Президентимизнинг юқоридаги қарори билан миллий аъналар ва замонавий шаҳарсозлик талабларига риоя этган ҳолда шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаш, янги маъмурий-маданий марказини барпо этиш, магистрал кўчаларни таъмирлаш ва қайта қуриш, кичик ҳалқа йўлини барпо этиш, йўл-транспорт ва муҳандислик иншоотлари инфратузилмасини тақомиллаштириш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг илк натижалари кўзни қувонтиради. Қарор асосида тузилган дастурга биноан шаҳар ичидagi экологик зарарли бўлган, аҳоли саломатлигига салбий таъсир ўтказувчи

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq»

Фарғона ёғ-мой, газ аппаратлари, фуран бирикмалари кимё заводлари, Иссиқлик электр маркази шаҳар ташқарисига кўчирилди.

Ушбу корхоналар ўрнида — Навоий ва Кувабой кўчалари чорраҳасининг юқори қисмида хиббон барпо этилмоқда. У ерда 1000 ўринли Санъат саройи, ёпиқ сузиш ҳавзаси қуриб битказилляпти. Бурхониддин Марғиноний ва Амир Темур кўчалари ораллиғида, кичик ҳалқа йўли бўйида 20 минг ўринли янги стадион жадал суръатларда қуриллаётгани футбол ишқибозларига катта совға бўлиши шубҳасиз.

Мустиқилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз раҳбарлигида ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт қуриш мақсадини кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар натижасида мамлакат иқтисодиёти юксалиб, бутун бошли шаҳарларни туддан қайта қуриш учун сармоя йўналтириш имкониятлари туғилмоқда. Янгидан қуриллаётган, қулай шарт-шароитлар яратилаётган шаҳар ва қишлоқларда фаровон, сермазмун ҳаёт кечириётган юртдошларимиз энг кутлуғ, энг улуг сана — истиқлолнинг 22 ёшини фахр-ифтихор туйғулари билан қарши олишмоқда.

Тўғри саломлашиш — маданиятлилиқ белгиси

Инсонлар орасидаги ўзаро муносабат ва мулоқот, аввало, саломлашишдан бошланади. Фарзандаларнинг эрта тонгда ота-оналарга, келинларнинг турмуш ўртоғи ва кайнона-қайноталарига салом беришлари ота-боболаримиздан қолган уаум. Саломлашиш ўзаро муомала-муносабатнинг боши бўлиб, ўртада ўзаро илқилиқ, самимият ва очиқ кўнгиллик ҳиссини пайдо қилади. Салом берувчи "Ассалому алайкум", яъни сизга тинчлик, саломатлик тилайман (араб тилида) деса, алиқ олувчи "Ва алайкум ассалом", яъни сизга ҳам тинчлик, саломатлик тилайман деб жавоб қайтаради.

Салом-алиқдан сўнгги ширин сўз одамнинг кўнгилни тоғдек кўтарди, қалбга илиқлик, илҳом ва куч бағишлайди. Шу сабабли ҳам инсонларни ўзаро яқинлаштирувчи бу сўз ҳаммамиз учун муқаддас бўлиб қолган. Бирок ҳар бир нарсанинг одоби бўлгани каби, албатта, салом беришнинг ҳам ўзига яраша одоблари бор. Кичик ёшдагилар ёши улугларга, улуг минган одам пиёдага, пиёда кетаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчиликлка салом беради.

"Ассалому алайкум"ни киши эшитадиган қилиб мулойим тарзда айтиш лозим. Бу одамлар ўртасида муҳаббат пайдо этиб, ўртадаги гина ва қудратларни унуттиради. Муулмончиликда "Ассалому алайкум" дейиш суннат, жавоб қайтариш эса фарз ҳисобланади.

Кейинги пайтда ёшлар, айнақса, мактаб ўқувчилари орасида салом бериш одати тобора камайиб кетаяпти. Агар ёшлардан бу яхши одатга ўргатиб бориламса, кейинчалик киши жамиятдан узоқлашиб, ҳеч ким билан оддий муомала ҳам қилмай қолиши мумкин. Ваҳолакин, ақли расо одам қаерда бўлмаса, қаерга кирмасин, ким билан дуч келмасин, унинг биринчи калимаси "Ассалому алайкум" бўлиши лозим.

Ўзбек халқ эртақларидан бирида ялмоғиз кампирга рўбарў келган қизча "Ассалому алайкум" дейди. Бунга жавобан ялмоғиз кампир "Гар саломинг бўлмаса, икки ямбала бир ютардим", деб хитоб қилади. Қиз салом бергани туфайли ялмоғиз кампирнинг қахридан қутулиб қолади. Бундан

кўринадики, "Ассалому алайкум" калимасининг ҳарорати ҳатто ёвуз кучларнинг муз қотган қалбини ҳам юмшатар экан. Буни бир эртак-ку дерсин. Лекин ҳар бир эртак замирида ҳам ҳақиқат яширин.

Кейинги пайтда ёшлар саломлашишнинг янгича, антика усулидан фойдаланяётгани ҳар бир соғлом фикрли инсонни бефарқ қолдирмаслиги керак. Улар кучоклашиб, бош уриштириб кўришишни одат қилишган. Буниси ҳам етмагандай, ўнг тиззаси ёнбошини шеригининг чап тиззаси, чап тиззаси ёнбошини эса ўнг тиззаси ёнбошига уриштириб қўйишади. Бу одат четдан қараганда жуда хунук кўринади. Бир пайтлар анчагина урфга айланган "айво" билан бошланувчи саломлашишлардан безиб қолгандик. Бирор маъно аңлатмайди бу сўз, хайриятки, қийматини йўқотди. Бирок ҳамон саломлашиш учун турли атамалар — "Сава", "Хай", "Привет" каби сўзлардан фойдаланяётган ўсмирларни учратганимизда, афсус, дея бош чайқайсан киши. Бемаъни атамаларни қўллаб қўришиб турган ёшларимиз тилга ҳурмат билан қарашни алақачон ҳис этишлари лозим эди. Атамалару турли беъҳўш қилиқлар қилиб "шохлашиб" турганлар бу бемаъни ҳаракатининг қанчалар қулғули эканлигини тушуниб етишлари керак. Шохлашиб ҳайвонларга ҳос одатку, ахир. Шунда ҳам улар муроғига келмай қолгандагина шохлашади.

Ёшларни-ку ёш деймиз. Афсуски, бутунги қунда кап-катта кишилар орасида ҳам шохлашиб ва ўпишиб кўришишдек салбий одатлар кузатиляпти. Одатда кичикларнинг катталарга

тақлид қилиши табиий ҳол ҳисобланади. Шу сабаб катталар ёшларга ўзларининг яхши хулқлари билан ибрат кўрсатишга уринадилар. Минг афсуски, ҳозирги пайтда катталар кичикларга тақлид қилишиб, уларнинг саломлашиш "одоби"ни ўзлаштириб олишяпти.

Ваҳолакин, "Ассалому алайкум" деганча бир кўлни қўқсиға қўйиб, ҳурмат бажо келтириб сўраши ёки ўзидан ёши улуг кишиларнинг қўлини сиққанча қўшқўлаб қуришиш қандай яхши. Кучоклашиб, бош ва тиззаларини уриштириб, ҳатто эркак кишиларнинг ўпишиб саломлашиши қадриятларимизга бўлган келадиган одат эмас. Ўпишиб кўришиш тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам бўлган келмайди. Тўғри, анчадан буюн қўришмаган дўстимизни учратсак ёки олис сафардан қайтган жигарларимиз билан соғиниб сўрашаётганда уни бағримизга босиб, ўз меҳримизни ифода этамиз. Бирок ҳар кунги ёки кунора қўришиб турадиганлар бундай саломлашишлари шарт эмасдир.

Қадриятларимизга, одоб-ахлоқ мезонларига бўлган келмайдиган одатлардан қанчалик тез воз кечасак, шунча яхши. Бобо-момоларимиз набираларининг тили чиқа бошлаши биланок боланинг икки қўлисини қўқсига қўйиб, "Ассалому алайкум" деб салом беришга ўргатиши мақташга арзигulik ҳолат. Чунки салом бериш инсоний муносабатларнинг бешиги, одамлар орасида бўладиган эзгу алоқаларнинг сарчашмасидир.

Одамлар баъзан "Ассалому алайкум" калимасини тўғри талаффуз этмасдан "ассалом", "салом алайкум" ёки "салом" шаклини қўллайдилар. Биз ҳар

доим шошамиз. Юзаки қараганда бундай саломлашишлардан ранжимасак ҳам бўлади-гандек туюлади. Аммо ҳар нарсанинг тўла ва мукамал бўлгани нима етсин. Шундай экан, саломлашиш одобига амал қилиб, "Ассалому алайкум" деб тўғри саломлашишни одат қилайлик.

— Улаом икромлар сўзига кўра, салом бериш суннатга мувофиқ саоволи амаллардан бўлиб, унга жавоб қайтариш фарздор, — дейди Ўзбекистон муулмонлари идорасининг Қашқадарё вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби Раҳматилло Усмонов. — Саломга алиқ қайтармаган киши тарки фарз қилган бўлиб, гуноҳга ботади. Бир неча ҳолатлардагина салом бериш ва алиқ олиш жоиз эмас:

— салом берилган киши ҳоҳатхонада ёки ташқарида таҳорат олаётган бўлса, унга салом бериш ҳам, саломга алиқ қайтариш ҳам жоиз эмас;

— намоз ўқибган ёки азон айтаётган кишига ҳам салом беришмайди. Чунки намоз ўқибган киши саломга алиқ олса, унинг намози бузилади;

— уйку ёки мудроқда бўлган кишига ҳам салом берилмайди;

— таом тановул қилаётган кишига салом берилмайди. Агар таом еётган кишининг оғзида лўкма бўлмаса, салом бериш мумкин ва саломга жавоб қайтариш фарз бўлади.

Кўрғони қаринми тиловат қилаётган кишига ҳам салом бериш жоиз эмас. Агар бундай ҳолатда салом берилса, унга жавоб қиладиган кишининг фикри бўлинади, бу эса унинг ранжишига сабаб бўлади. Шунингдек, дуо ўқибган кишига ҳам салом берилмайди.



Норбўта F03ИЕВ,
"Huquq"

Тўй-маъракаларда бир уй ёки давра тўла одам ўтирган бўлса, кейин келган меҳмон уларнинг ҳар бири билан кўришиб чиқиши шарт эмас. Даврага қишлоқда ёки уйга кирганда "Ассалому алайкум" деса, барчага салом берган ҳисобланади.

Саломлашишнинг бу қадар аҳамиятини эканини назарда тутиб, келажакимиз меваеси саналган фарзандларимизга болалик чоғларидан бошлаб салом-алиқ одобларини ўргатиб бориш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик. Инсонлар ўртасида ўзаро тоғувлик, дўстлик, бирдамлик ва муҳаббат ришталарини мустақамловчи саломлашиш одобига амал қилмоқ ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздор.

Зеро, саломлашиш одамларни тинчлик ва хотиржамликка қақирувчи муҳим омиллардан биридир. Халқимиз тарихи қанчалар узоққа бориб тақалса, миллий аъналаримиз ва урф-одатларимиз ҳам шунчалик чуқур илдиэга эга. Улар маънавий эҳтиёжлар замирида пайдо бўлиб, шаклланиб ва сайқалланиб, ўз замонида халқимизнинг турмуш тарзи, ахлоқ меъёрларини муҳассам этган. Шундай экан, миллатимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлган саломлашиш одобини ўпишиб, бош ёки тизза уриштириш каби хунук қўришлардан асрашимиз лозим. Қўлимизни қўқсимизга қўйиб, хурматимизни ифода этишимизга ёки қўшқўлаб саломлашишга нима етсин! Тўғри саломлашиш эса маданиятлилиқ белгисидир.

Инспекторнинг найранги

Шаҳар ва қишлоқларимиз кўчалари замонавий автотранспорт воситалари билан қанчалик гавжумлашиб бораётганини кўрган кишининг кўзи қувнайди. Чунки бу ҳол юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, халқимиз яшаш тарзининг яхшиланиб, иқтисодий мустақамланиб бораётганига, аниқроқ айтиладиган бўлса, республикамызда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарасидан далолат беради.



Клара ЯКУБОВА,
Жиззах вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Бу қувончли ҳол, албатта. Шунингдек, кўчаларнинг автотранспорт воситалари билан гавжумлашиши ўз навбатида йўл ҳаракати хавфсизлигига масъул ходимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Аммо афсуски, ана шу масъулият юкни ҳамма ҳам кўтаравермайди. Айрим ходимлар нафсига қўл бўлиб, касби ҳамда вийжонига бўлган садоқат туйғусини ёддан чиқарганини сезмай қолиши оқибатида жиноятчиға айланиб, жазога тортилмоқда.

Ақбар Нарматов вилоят ИИБ ИХХБ бошлигининг 2006 йил 9 июндаги буйруғига асосан Жиззах туман ИИБ ИХХБ автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларига амал қилишни назорат этиш бўлимининг инспектори лавозимига тайинланган эди. А.Нарматов эгаллаган лавозим масъул мансбдор шахс мақомида бўлиб, ўз соҳибига кенг имкониятлар эшигини очарди. Аввалига ўз хизмат вазифасини сидқиқидилдан бажариб юрган бўлинима инспектори нима бўлди-ю, ваколатидан фойдаланиб, моддий бойлик орттириш талавасига тушиб қолди. Бунга қўл остида ижросини қўтиб ётган ҳужжатлар сабаб бўлди. Аниқроғи, ушбу ҳужжатлар унга мўймай даромад манбаи бўлиб қуриша бошлади-ю, вақтни ўтказмай ишга киришди.

А.Нарматов таниши Рустам Уралов билан жиноий тил бириктириб, йўл ҳаракати қоидалари талабларига амал қилмаган ҳайдовчиларга ҳуқуқбузарлиги учун тузилган маъмурий баённомалар ижросини таъминламасдан, айбдорлардан "халис хизмат" (ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талонларини чора кўрмасдан қайтариб берганлиги) эвазига пора олишни режалаштирди. Бу шунчалик иш бердики, натижада миллионлар сувдек "оқиб" кела бошлади. Жиноий шериклар эса давлатга тўланиши керак бўлган жарималарни ҳам ёдларидан чиқариб қўйишди. Жумладан, улар И.Мавлонов, Ж.Абдуллаев, Ф.Мансуров, С.Ходжибоев, Ж.Хамроқулов, Ф.Турсунов, Ж.Қаюмов, Ф.Хасанов, В.Насриддинов, Г.Баратова, О.Иномовлар номига 2010, 2011, 2012 йиллар давомида расмийлаштирилган йўл ҳаракати қоида бузилганлиги ҳақидаги маъмурий баённомаларни қонунда белгиланган икки ойлик муддатда хал этмасдан, ушбу баённомаларга асосан ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилишини таъминлашмайди. Оқибатда баённомаларнинг ижро муддати ўтиб кетади ва бу ҳол уларга қўл келади.

2012 йилнинг 15 июлида А.Нарматов Р.Ураловга баённомалар, уларга илова қилинган ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда талонларни эгаларига қайтаришини тайинлайди.

Хизмати эвазига ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган жариманинг учдан икки қисми ёки ярми миқдорида пора олишни талаб қилади.

Юқорида номлари тилга олинган ҳуқуқбузарликларга ўзини "Жиззах туман ИХХБ ходимиман", деб таништирган Р.Уралов Ж.Қаюмовдан 50 минг, Ж.Хамроқуловдан 28 минг, Ф.Турсуновдан 25 минг, В.Насриддиновдан 28 минг, Ф.Хасановдан 31 минг 400, Г.Баратовдан 20 минг, О.Иномовдан 40 минг, Ж.Абдуллаевдан 37 минг, И.Мавлоновдан эса яқинлари орқали 85 минг сўм миқдоридаги пулларни уларнинг уйларига бориб олади. Бу поралар эвазига ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талонларини қайтариб беради.

А.Нарматов бўлса, пора олиш орқали моддий бойлик орттириш жинояти жазосиз қолаётганидан "илҳом"ланиб кетади шекилли, ҳуқуқбузарларни хизматхонасига қақира бошлайди. Бунинг учун Ш.Мирзақулов, Ж.Давронов, М.Номазов, О.Тўрақулов, Ш.Жафаров, Б.Мамарахматов, М.Нарзиқулов, Б.Ибрагимов, У.Қорабековлар номига 2011-2012 йиллар давомида расмийлаштирилган йўл ҳаракати қоида бузилганлиги ҳақидаги маъмурий баённомаларни қонунда белгиланган икки ойлик муддатда хал этмасдан, ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилишини таъминлашни "унутади". Сўнгга муддати ўтган

маъмурий баённомалар бўйича жазо чоралари қўлланилмаслигини била туриб, юқорида номлари тилга олинган ҳуқуқбузарлардан турли миқдордаги пул маблағларини ўзининг хизмат хонасида пора тариқасида олиб, ҳуқуқбузарларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талонларини қайтариб беради. Шунингдек, А.Нарматов Р.Уралов орқали ҳужжатларини қайтариб бериш эвазига ҳуқуқбузарлар Б.Ибрагимовдан 250 минг сўм, Ш.Жафаровдан 40 минг сўм пулни ҳам пора тариқасида олиб, ёнига уради.

Осон топилаётган маблағ А.Нарматовнинг "иштах"сини янада каттароқ очди шекилли, у пора олишнинг янги усуллари кешф эта бошлади. У туман ИИБ ИХХБ автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларига амал қилишни назорат этиш бўлимининг 2010 йилда 5912 та, 2011 йилда 10799 та ва 2012 йилнинг 6 ойида 9822 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар келиб тушганидан ва ихтиёрида эканлигидан фойдаланиб қолишни маъқул кўради. Ушбу маъмурий баённомалар бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жазо чоралари қўлланилишини таъминламайди.

Белгиланган тартибга кўра, жарама пулларини қабул қилиш А.Нарматовнинг ваколати доирасига кирмасда-да, у 2010 йилда 200 та, 2011 йилда 1148 та ва 2012 йилнинг 6 ойида 1265 та маъмурий баённомалар бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан жазо чораси сифатида қўлланилган жарималарни қабул қилади. Йигилган 38 млн. 922 минг сўм миқдоридаги пулни банкка топширмасдан, ўзлаштириб юборади. Бундан ташқари, А.Нарма-

тов ўтган даврда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузган ҳайдовчиларга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар ҳамда ўзи фаолият кўрсатаётган бўлинига 2011 йилда келиб тушган маст ҳолатда транспорт воситаларини бошқариб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 131- ва 136-моддалари билан расмийлаштирилган, қатъий ҳисобдаги ҳужжат ҳисобланувчи маъмурий баённомаларни рўйхатга олиш китобини ёқиб юборади. Бу ҳам етмагандек, 2011 йил ва 2012 йилнинг 6 ойи давомида маст ҳолатда транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан расмийлаштирилган ва жазо чоралари қўлланган учун юборилган маъмурий баённомалардан 2011 йилда 15 таси, 2012 йилнинг 6 ойида 5 таси бўйича маъмурий иш қўзғатиб, МЖТКнинг 245-моддаси талабларига кўра, маъмурий тартибда қўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Жиззах туман судига юбормасдан, жамма 20 та йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун расмийлаштирилган баённомаларнинг икки ойлик муддатини ўтказиб юборади. Шунингдек, содир этган жиноятларини яшириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузган ҳайдовчиларга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар ҳисобидан тушган жарама пулларининг давлатга тўланишини таъминламайди. Расмий ҳужжат ҳисобланган жавобларга баённомаларнинг ижроси таъминлангани ҳақида сохта маълумотлар киритиб, вилоят ИИБ ИХХБга ойма-ой топшириб келади.

Мазкур иш юзасидан тўпланган ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судида қўриб чиқилди. Айбдорларга жазо тайинлашда етказилган моддий зарарнинг 37 млн. 630 минг сўми қопланганини ҳам ҳисобга олинди. Суд ҳукмига кўра, Ақбар Нарматов 11 йил, Рустам Уралов эса 10 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шу билан бирга, амнистия актига асосан тайинланиб, ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисми қисқартирилди. Етказилган моддий зарарнинг тўланмай қолган 1 млн. 292 минг 300 сўми солидар тартибда ундириладиган бўлди.

«Йўқдан йўндираман», деди-ю...

Бу арок деганлари шиша ичида жимгина ётгани билан истёъмоқ қилинган, гапни гапга қовуштириб, бировларни тўлқиндек ялтоқлантиса, бошқалар унинг таъсирида ўзини шердек ҳис қилади. Баъзан унут бўлаёзган гина-қудурат эсга тушиб, жанжал қўзғалса, гоҳида бир-бирини умрида кўрмаганлар зумда оғиз-бурун "ўпишиб", "қўёматли" дўст ҳам тутинишади. Опасининг уйига меҳмон бўлиб келган Ихтиёр ҳам поччаси билан улфатчилик қилиб ўтирган Санжар исмли йигит билан танишган, тезда у билан чиқишиб олди. Балки бунга унинг муқаддам бир марта, Санжарнинг эса икки марта судланганлиги сабаб бўлгандир. Нима бўлганда ҳам юқорида айтганимиздек, кетма-кет ичилган спиртли ичимлик ўз кучини кўрсатди. Энди четдан кузатган одам улар яқинда танишган эмас, болаликдан бирга ўсиб катта бўлган, деб ўйлаши мумкин эди.

Вақт алламаҳал бўлганда мезбон ётишга кириб кетди-ю, икковлон чекиш учун ташқарига чиқишди. Янги таниши-

нинг гап-сўзлари, ўзини тутуши Ихтиёрга маъқул келгани боис, у ўйлаб юрган режасини амалга оширишга айнан Санжар тўғри келишини ҳис қилди-да, таваккал, дея унинг "кўнглига қўл солиб кўрди". Яъни фоизга пул бериб юрадиган бир бойвачча одамни мўлжалга олгани, агар рози бўлса, ишчи бирга бажариб, "даромад"ни ҳам ўртада бўлишиб олишни таклиф қилди.

Санжар унинг таклифига рози бўлган, Ихтиёр режасининг иккинчи қисмига ўтди:

— Биз бошқаларга ўхшаб унинг уйига том ошиб ёки бостириб кирмаймиз. Бахонани ўйлаб қўйганман. Олдиға борамиз-у акамдан олган 5 минг доллар қарзингни қайтар, деймиз. Акам ўтган йили оламдан ўтган. Ўзи йўқни, кўзи йўқми, энди қарз берган одам йўқ, деб бемалол юраверасанми? Пулни тез чиқар деб, сизуға оламиз. Қани, бермай кўрсинчи?.. Пулни олган, бу ерга қайтиб келиб, маишатни давом эттирамиз.

"Айтилган гап, отилган ўқ!". Ихтиёр шу заҳоти таниш қирақаш йигитга қўнғироқ қилди. У етиб келгач, машинага ўтиришди-да, Ихтиёрнинг уйи томон йўл олишди. Манзилга етиб келишгач, тезда чиқишини айтиб ичкарига кириб кетган Ихтиёр яшириб қўйган жойидан қирқма ов милтигини курткаси ичига ўраб қайтиб чиқди. Яна йўлга тушишди. "Қарздор"нинг уйи яқинида машинадан тушиб, ҳайдовчига жавоб бериб юборишди-да, дарвозани тақиллатишди. Ичкаридан уй эгаси овоз бергач, Ихтиёр эшикни очишни, ичкарида гапшайиб олишлари кераклигини айтган эди, мезбон уларни танимаслигини айтиб, рад жавобини берди. Ихтиёр энди таҳдид қилиб кўрди. Натижа чикмагач, ўйлаб-нетиб ўтирмай милтиқни чикарди-да, дарвоза тирқишидан ичкарига қарата ўқ узди. Шу заҳоти уй эгасининг жон аччиғидаги овози эшитилди.

Санжар ҳамма нарсасага тайёр эди-ю, аммо бари бунчалар тез бўлади деб, ўйламаган эди. Шунинг учун дарҳол Их-

Отабек АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

тиёрнинг қўлтиғидан маҳкам ушлаганча қочишга тушди. Ихтиёр хоҳлар-хоҳламас унга эргашди. Озроқ қочиб боришгач, Ихтиёр уларни бу ерга олиб келган қирақашга телефон қилиб, тез етиб келишни тайинлади. Машина келгандан кейин жуфтани ростилашди. Ярим йўлда машинани тўхташиб, милтиқни отиб юборишди ва яна йўлга тушишди...

Санжар тезда ҳибсга олинди. Шу кунлик уйдан паспорти билан озроқ пул олиб, Қозғоғистонга ўтиб, ёлланма ишчи бўлиб ишлаб юрган Ихтиёр ҳам ўша ерда қўлга тушди.

"Йўқдан йўндираман", дея аслида йўқ бўлган қарзни олиш мақсадида бир инсоннинг умрига зомин бўлган қотилларга суднинг ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

ТОҒА-ЖИЯНЛАР

Нафақат кемирувчи ёки даррандаларни, балки инсонни овлаш учун ҳам қопқон ишлатилади. Макр ва ҳийла асосида қўйилган бундай "қопқон" олатда бехато ишлайди. Қўлга тушган ўлжанинг тақдирини эса овчилар қўзда тутган мақсадга боғлиқ бўлиб қолади.

Қиз боланинг уйдан кетиб қолиши бир-бирига узоқ-яқин қариндош бўлган кишиларнинг оғир жиноят содир этишига сабаб бўлди. Сирасини айтганда, вояга етган фарзанднинг ота-она даргоҳидан кетиб, орадан неча йиллар ўтгандан кейин "Саломатмисан, онажон, мендан хавотир олма" мазмунда мактуб йўллашга баъзи бир халқлар учун у қадар ташвишланарли ҳол эмас. Бунга мустақил ҳаёт кечириш ва "ўз аравасини ўзи тортиш", деб қаралади. Бироқ бизнинг қадриятларимиз улардан фарқ қилади.

Воҳамиз қишлоқларидан бирида уйдан кетиб қолган қиз ҳам ўз аравасини ўзи тортмоқчи эдимиз ёки бошқа бир мақсад уни шу қўлга солидими, нима бўлганда ҳам бу ҳол ота-онани қаттиқ ташвишга қўйди. Синглизини телефон орқали қидириб топишга бўлган уринишлар ҳеч қандай самара бермаганидан хавотирга тушган Лазиз Ачилов бу ишга жияни Мирзо Боборажабовни жалб этди. Бу пайтда қиз Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйларида кетди. Мирзо унга қўнғироқ қилиб, ўзини Бобур деб таништирди. Бир неча бор телефон орқали суҳбатлашганларидан кейин Бобур қизни учрашувга таклиф этди. Отаси ва акасининг Чилонзор метроси яқинида пойлаб туришгани, бу учрашув ўзига қўйилган тузоқлигидан мултоқлаб бехабар қиз белгиланган жойга келади ва қўлга тушади. Худди шу лаҳзаларда қизнинг телефонига яна қўнғироқ бўлди. Аммо бу пайтда телефон Лазизнинг қўлида эди. Унда "Аббор ака" деган ёзувни кўрган ака синглизидан сўраб-суриштира бошлади. Аммо қиз қўнғироқ қилаётган йигитни таниши ҳақида гапириб, телефон орқали гаплашиб туришдан бўлак ҳеч нарса айтишни хоҳламайди.

КИДИРУВ

Кечиримлилик ва бағрикенглик — улугъ фазилат. Лазиз ҳам шу ўринда синглизини кечирганида ва уни тинчгина олиб кетганида, Абборнинг телефонда айтган гапларини ҳам унутганида ҳаётлари балки осуда кетган, вақт ўтиши билан ҳаммаси изга тушган бўлармиди. Аммо тор қўнғилди Лазиз масаланинг тубига етиш, Абборни қидириб топишга аҳд қилди. Уни ҳам тўри тушуниш керак. Ака сифатида у синглизининг келажагига беварқ эмас. Қолаверса, оила шаънига доғ тушмаслиги керак. Аммо Абборнинг кимлигини, қаерда яшашини, нима иш билан шуғулланишини аниқлаш осон бўлмади. Қидирувни изчил давом эттирган тоға-жиян 2013 йил 1 январдан кейин 8 кун давомида Аббор билан телефонда гаплашиб, ундан бирор нарсани аниқлаб олишга уринардилар. Ҳар иккала томон ҳам бир-бирларига ўчакишгандай ҳаракат қилишар, телефон ало-



Макр қопқони

қасини узишни истамас эдилар. Бу гаплашувлар ҳар сафар ҳақоратлар билан ниҳояланарди.

Ҳар иккала томондан телефон орқали ҳақоратли "СМС"лар жўнатиб турилди. Ниҳоят, Лазиз телефондаги душманининг чап билагида чандиғи борлигини синглизини орқали аниқлашга муваффақ бўлди. Лазиз очикчасига гаплашиб олиш учун уни гоҳ Қарши, гоҳ Косон шаҳрининг турли жойларига учрашувга таклиф этди. Аммо Аббор тутқич бермасди. Йигитлар учун 2013 йил ана шундай сержашвиш бошланди. Кун ўтган сайин уларнинг қалбида қасос олиш истаги алангаланарди. Қасосдан бошқа ҳеч нарсани ўйламай қўйган ака бу ишга янги кучларни жалб қила бошлади. Тоғаси Илҳом Аминовга маслаҳат солиб, нима бўлса ҳам Аббор деган йигитни топиш зарурлигини билдирди. Уни қўлга туширса, ўлдиршини писанда қилди.

Халқимизда "отадан кейин тоға" деган гап бор. Бошқа қариндошларга нисбатан тоға жиянлари учун айрича ғамхўр, меҳрибон ва маслаҳатгўй саналади. Шу боисдан ҳам олатда жиянлар тоғаларнинг гапларини ерда қолдирмайдилар. Афсуски, Илҳом Аминов жиянини қасос олишдан қайтармади. Аксинча, бу борада унга ёрдам кўрсатишга бел боғлади. Шундай қилиб улар ўзларининг қабих ниятларини амалга ошириш учун бу ишга ҳали вояга етмаган Озода Юсуповани жалб қилдилар.

ЖОНЛИ ТУЗОҚ

Озода тузоқ вазифасини бажариши керак эди ва шундай бўлди ҳам. Қизгина Илҳом Аминовга ёрдам беришга тайёр эди. Улар бир-бирларини яхши танирдилар. Шу боис судда қиз Илҳомнинг гапларига ишонганини таъкидлади. Озоданинг кўрсатув беришича, Илҳом унга қўнғироқ қилиб, "жиянининг бир кишида 300 минг сўм пули ва тилла троси бор, бироқ Аббор деган ўша киши телефонини кўтармай, нарсаларни бермай юрибди, шу боғли бирор жойга чақириб бер", деб қайта-қайта тайинлайди.

Абборнинг телефон рақамини олган Озода ишга масъулият билан киришди. 9 январдан бошлаб бир неча кун давом этган сўзлашув пировардида Аббор қизга ваъда бериб, уни кўрмоқчи эканлигини айтди. Ўзига қўйилган тузоқдан мултоқлаб бехабар "ошиқ йигит" 13 январь кuni учрашувга бориш учун йўлга чиқди.

Аббор қизга ўзини дастлаб Пулат, кейинроқ Фаррух дея таништирганди. Озода у билан бўлган барча сўзлашувларни Илҳомга етказиб турар ва ундан зарур кўрсатмалар оларди. Ниҳоят, жиноий гуруҳнинг фаол аъзоси Илҳом Аминов қиз томонидан етказилган сўнгги хабарни олarkan, Абборнинг 13 январь кеч соат 17:00ларда Озода билан учрашувга келаётганини жиноий шерикларига маълум қилди.

ХУДДИ КИНОДАГИДАЙ

Учрашув учун Касби-Косон йўлидаги Талишбедаги кешлиги бекати танланган эди. Бу хабарни олган Лазиз Ачилов тоғалари Илҳом ва Отабек Аминов ҳамда жияни Мирзо Боборажабов ҳамроҳлигида Талишбе кешлиги томон йўл олади. Гуруҳ раҳбари Лазиз Ачилов гуруҳ аъзоларидан Илҳом билан Мирзони бекатга туширади. Уларга Озода Юсупованинг уйига бориб кутиб туришларини тайинлаб, "Аббор келса хабар қиласизлар", дейди ва тоғаси Отабек Аминов билан Косон шаҳрига қайтади. Бундан қўзда тутилган мақсад гуруҳга янги кучларни жалб этиш эди. Натижада Аббор Қосимовни ўлдириб режасига асосан, гуруҳ раҳбари Лазиз Ачилов шериклари Илҳом ва Отабек Аминовлар, М.Боборажабов, З.Ражабов ва О.Юсуповага вазифаларни тақсимлаб, темир ва таёқ олиб келиш учун ҳаммалари мотоциклга ўтириб, О.Юсупова яшайдиган уйга қайтиб келадилар.

Уларнинг хатти-ҳаракатлари, агар бироз бадийлаштириб тасвирга олинса, Голливудда ишланган, бутун дунё бўйлаб тарқатиладиган жангари фильмлар воқеаларига ўхшаб кетарди. Базан бундай ҳолатларни кўриб мулоҳазага борасан киши.

Машиналар, мотоцикллар, қуролланган тўдалар, ўз мақсадлари йўлида ҳеч иккиланмай қон тўкаётган қасри қаттиқ одамларни кинолардагина кўрадик. Шу боис ўша Голливуд фильмлари кўз ўнгимиздан ўтади. Ҳамиша мулоҳазакор, бағрикенг, кечиримли одамларимиз худди жангари фильмларда рол ижро этаётгандай.

ҚАТЛГОҲГА ОШИҚҚАН ОШИҚ

Афсуски, Талишбедаги қотиллик кинода юз бермаётганди, балки у ҳаёт ҳақиқати эди. Гуруҳ аъзолари темир ва таёқ қалтаклар билан қуролланиб, Озодага телефонда Аббор билан гаплашиб туришини ва унинг келган-келмаганидан хабардор қилишни тайинлаб, қизни уйда қолдирганча ўзлари — бешовлон кажавали мотоциклга ўтириб, қишлоқ ички йўлидан яна Касби-Косон йўналишидаги бекатга келади-лар ва шу жойда "ўлжа"ни пойлаб турадилар.

Катталарнинг бундай ўйинида тушуниб-тушунмай ҳаракат қилаётган қизгина ўз «пости»да зийрак турарди. Ниҳоят телефон унинг ҳаяжонли овози эшитилди. «Ўлжа» сариқ рангдаги «ВАЗ-2106» русумли автомашинада қатлгоҳ томон яқинлашиб келмоқда эди.

Машина қишлоқ ички йўли томон бурилиб, бироз юргач тўхтади. Бу машинани қўлга киритиш учун қўлай фурсат эди. Лазиз Ачилов бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари пистирмадан юргунганча чиқиб, машинага ташландилар. Телефонда Озода билан гаплашган йигит ганиб қолди. Унинг қўлидан телефонини тортиб олган Лазиз аппарат экранда Озода-нинг номини кўрarkan, бу йигитнинг Аббор эканлигига шубҳа қилмади. Йигит ўзини Фаррух деб таништиришига қарамасдан чап қўли билагидаги чандиқ ва телефондаги рақамлар унинг ҳақиқатан ҳам Аббор эканлигини тасдиқлаб турарди.

ҚОПҚОНГА ҚЎЙИЛГАН ЛУҚМА

Висолга ошиққан йигит мақсадига етолмади. Зеро, Озода ҳали бундай ишқий саргузашт-

Рустам НОРҶАЕВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим
катта терговчиси

ларга тайёр ҳам эмасди. У ҳали 8-синф ўқувчиси эди.

Озоданинг ота-онаси қизини ҳали турмушга бериш ниятида бўлмасалар-да, унинг тақдирига эътиборсизлик билан қараганликлари кўриниб турибди. Акс ҳолда ҳали вояга етмаган қизнинг қандай ишлар билан машғуллиги, унинг ортидан келаётган одамларнинг ниятлари, қизнинг телефондаги сўзлашувлари уларни беварқ қолдирмаган бўларди.

Суд ҳукмида келтирилган воқеалар тафсилотидан аниқлаштирилиб турибдики, қизалоқ қопқон қўйилган, у қопқондаги луқма вазифасини ўтаган. Қопқонни эса Лазиз, Илҳом ва жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари биргаликда қўйгандилар. Бироқ Озода биллиб билмай ана шу жиноят иштирокчисига айланлиб қолган.

Хуллас, қопқон бехато ишлади. Улар «ўлжа»ни қўлга туширдилар ва унинг тақдирини ўз билганларича ҳал қилдилар. Аббор асоблаб ўлдирилди ва Косон шаҳри яқинидаги тепаликка машинаси билан бирга олиб чиқилиб, ёқиб юборилди.

Мазкур жиноят иши жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судида кўриб чиқилиб, Лазиз Ачиловга нисбатан узил-кесил 22 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шунингдек, унинг шериклари — уюшган жиноий тўда аъзолари Илҳом Аминов, Мирза Боборажабов, Отабек Аминов, Зоир Ражабовларнинг ҳар бири 21 йил-у 6 ойдан озодликдан маҳрум этиш жазосига лойиқ деб топилдилар.

Вояга етмаган О.Юсуповага эса 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. У жазо муддатини тарбия олдирарида ўтайдиган бўлди.

Хулоса шуки, ҳаёт инсонга фақат бир марта берилади. Шундай экан, унинг қадрига етгин, умр онларини эзгу амаллар билан бойитгин, деймиз.

Кўприк остидаги талончилик

Улугбек ФАНИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

Халол меҳнатга бўйни ярамайдиган, белини оғритмай пул топиб, кайфу-сафо қилиб яшашни мақсад қилган Ҳаким Чоршанбиев, Элмурод Холиқов ва Одил Қобиловлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир гуруҳга бирлашиб, талончилик йўли билан ўзгалар мулкани кўлга киритиш режасини ишлаб чиқишди.

2010 йилнинг 16 октябрь куни Бектемир туманида жойлашган "Қўйлик дехқон бозори" МЧЖ ёнидаги кўприк остида пайдо бўлган учовлон атрофга аланглаб, "ўлжа" қидиришарди. Жиноий режага қўра, бирор кишининг уяли телефонидан бир марта фойдаланиб туриш учун сўраб олиб, сўнг қочиб қолишлари керак эди. Режа асосида иш кўрган тўда аъзолари "Nokia 1110", "Nokia 2300" ва "Ситронекс" русумли уяли алоқа телефонларини кўлга киритиб, жўфтакни ростлаб қилишди. Очқидан-очик талончилик йўли билан кўлга киритилган телефон аппаратлари жами 53 минг сўмга пулланиб, "даромад" жиний гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаб олинди.

"Ов"лари бароридан келган талончилар шуни кўриб соат 21:30лар атрофида яна ўша кўприк остида пайдо бўлишди. Утган-кетганлари бироз кузатиб тургач, фуқаро Рўзали Улмасовни тўхташди. Нотаниш одамларнинг илтимосини рад қила олмаган Рўзали зумда

"Nokia 1209" русумли уяли алоқа телефонидан ажралиб қолишини ўша пайт хаёлига келтирмаган бўлса керак. Йўловчи Р.Улмасовга тегишли телефонни кўлга киритган талончилар, аввалдан режалаштирилгандек қочиб кетишди. Рўзали уларнинг ортидан "хой-хой" лаганча қолаверди. Уяли алоқа телефонини 18 минг сўмга сотиб юборган талончи уйлик пулни тенг бўлиб олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишди.

Иштаха овқат пайтида келди, деганларидек, Ҳ.Чоршанбиев, Э.Холиқов ва О.Қобиловлардан таркиб топган талончилар училиги 23:00ларда яна кўприк остига келишди. Улар бу ерда Ҳакимнинг таниши Комил Салимовни учратиш қилишди. Комил маст аҳволда эди. Жиноий гуруҳ аъзолари ўзaro "маслаҳатлашиб", Ҳакимнинг кўрсатмаси билан Комилни бир кирақашнинг автоуловидан Урта Чирчиқ туманига олиб боришди. Машинадан тушишлари билан ишга киришган Ҳаким К.Салимовнинг чўнтагидаги 30 минг

сўм пул ва "Nokia 2700C" русумли уяли алоқа телефонини зўрлик ишлатиб, тортиб олди. Комил қаршилик кўрсатмоқчи бўлган эди, Одил унинг бўйнидан бўга бошлади. Кўп ўтмай жабрланувчи ҳолсизланиб қолди ва бундан фойдаланган Ҳаким ва Элмурод Комилни уриб-тепиб, хушидан кетказишди. Шундан сўнг Ҳаким ёнида олиб юрган ясама пичоқни ишга солиб, К.Салимовнинг бўйнига урди. Одил шерикларининг ёрдами билан хушсиз ётган Комилни елкасига олди, учовлашиб уни шу яқин-атрофдаги қабристонга олиб боришди. Қабристонда унинг кийимларини ечиб олган жиний гуруҳ аъзолари, ясама пичоқ ва кийимларни қора рангли целлофан пакетга жойлашди, воқеа жойидан қочиб кетишди. Комил Салимов олган тан жароҳатлари натижасида воқеа жойида вафот этди.

Одатларига содиқ қолган ҳолда талончилар кўлга киритилган "даромад"ни ўзaro тенг тақсимлаб олишди. Бир инсоннинг умрига зомин бўлиб топилган пулларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган бу кимсалар узоққа бора олмасликлари уйда ҳам кўришмади. Кўп ўтмай Ҳ.Чоршанбиев, Э.Холиқов ва О.Қобиловлар кўлга олиниб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Пора — юзни қилди қора

Бугунги куннинг энг долзарб масалаларинан бири шубҳасиз кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлиб, юрт раънақи, иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш тадбиркору ишбилармонларнинг ўрни беқиёс.

Дарҳақиқат, бугун нафақат оиласи, балки мамлакат раънақи учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмаган, деган ишбилармонларга алоҳида эътибор қаратилиб, керакли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ўз навбатида соҳани ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳамда хизматлардан унмол фойдаланаётган тадбиркорларимизнинг эришаётган ютуқлари юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини намоён этишда асосий омил бўлмоқда.

Ана шундай юртдошларидан ўрнатқан фаолият юрмоқчи бўлган Самуғжон Парпиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам Яккасарой туманида рўйхатдан ўтган "Кино бизнес плюс" МЧЖга раҳбар бўлгач, жамиятни Олмазор туманида қайта рўйхатдан ўтказмоқчи бўлди. Шу боис офисни ҳам Олмазор туманига қўйишга қарор қилди, яқин танишидан бўш турган уйини сўраган эди, у қутилмаганда рози бўлди. Бунинг учун энди шу турар жойни нотураб жойга ўтказиш масаласи кўндаланг бўлади ва С.Парпиев Олмазор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига йўл олади. У ерда бу иш билан мутахассис Анвар Шарипов шуғулланишини билиб, унга учрашди ва бинонинг макомини ўзгартириш мақсадида келганини билдирди. Ўз навбатида А.Шарипов бунинг учун керак бўладиган ҳужжатлар рўйхатини тузиб беради. С.Парпиев кетар чоғида бу иш қан-

Хусан ХУСАНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

чага тушишини билан қизиқади-ю, хизмат ҳақи билан қўшганда 2 млн. сўм деган жавобни эшитиб, ҳайрон бўлади. Аммо сир бой бермай, хайрлашиб чиқиб кетади.

Орадан маълум вақт ўтиб, А.Шариповнинг хузурига кириб келган С.Парпиев барча ҳужжатларни унга кўрсатиш баробарида айтилган нарх қимматлиги қилишини, илож бўлса 400 ёки 500 минг сўмга битириб беришни сўрайди. А.Шарипов деганлари нафақат ўз соҳасининг, балки бировларнинг "ҳожатини чиқариш" баробарида, ўзининг нафасини ҳам эсидан чиқармайдиганлар тоифасидан эмасми, рози бўлмайди. С.Парпиев шундан кейингина хизмат учун ҳақни сўмда эмас, "қўйи"да бериши мумкинлигини айтиб, "ҳожатбардор"нинг розилигини олган, чиқиб кетади ва тўғри тегилиш идора вақилларига ариза билан мурожаат қилади.

Орадан бир ҳафта вақт ўтиб, А.Шарипов ўзининг хизмат хонасида С.Парпиевдан 800 АҚШ долларини пора сифатида олганда ҳисба олинади. Шундай қилиб, ўзининг бевошита хизмат вазифасига кирувчи юмушнинг бажариш эвазига пора талаб қилган тамагининг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. Суд томонидан А.Шариповга қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.

"Ўхшатмасдан учратмас" деган нақлнинг тили ва дили бир инсонларга нисбатан ишлатилиши бежиз эмас. Шу маънода, Юнус Тиллаев ва Баҳром Эркинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)ларни осон йўл билан пул топиб, тез бойиш йўлидаги мақсад бирлаштириш, десак муболаға бўлмайди. Чунки, усти бут, қорни тўқ бўлган бу икки кимса чойхонада бинойилек ишлаб, кимданлар кўп, кимданлар эса камроқ бўлса-да пул топиб, тирикчилик қилиб келишаётган эди. Лекин сабр деган олий тўйғу уларга насиб қилмаган экан. Бўлмаса, арзиманган пул ва бойлиқни деб ўзларининг ёш умрларини завоқ қилиб, ожиз аҳволдаги икки қариянинг умрига зомин бўлишмасди.

Қарияларга қилинган ваҳшийлик

Толиб ТУРАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси

Улар бир жойда ишлаб, вақти келса, бирга шу чойхонанинг ўзида тунаб ҳам қолишарди. Ана шундай кунларнинг бирида Юнус пулдан қийналаётганидан нолиб қолди. Буни эшитган Баҳром худди шу гапни пойлаб ўтиргандек, ён-атрофга бир назар солиб, ўзи яшайдиган уйдаги қўшни хонадонда икки нафар қария ёлғиз яшашини, уларнинг пули борлигини айтди. Тақдир Юнусга ҳам маъқул бўлди. Чунки, кўзи ожиз қарияларнинг пулини олиб чиқиб кетиш икки ёш йигитга қийинчилик туғдирмаслигига кўзи етарди.

Шу мақсадда икковлон режа тузиб, 2013 йилнинг 1 февраль куни кеч соат 9:00ларда мўлжал қилинган манзилга келишди. Олдиндан келишилгандек, дастлаб Баҳром қариялар яшайдиган уйнинг подъездига кириб, у ердаги аҳволни — қарияларнинг уйда ёлғиз эканликлари ва йўлакда одам йўқлигини билиб чиқди. Ташқарига чиққач, ёритгични икки марта ёндириб ўчирди. Бу ҳаммаси жойида, деган ишора эди. Юнус уй ёнига келгач, Баҳром билан қариялар яшайдиган уй эшигини аста тақиллатишди. Ичкаридан "Ким у?" деган овоз эшитилди. Бунга жавобан Баҳром:

— Баҳромман, қори ака, — дея жавоб қайтарди.
— Баҳроммисан?

— Ҳа, сизлардан хабар олгани чиққандим.

Қўшни хонадонда яшайдиган Баҳромни овозидан таниган отахон ҳеч иккиланмасдан эшикни очди. Эшик очилгач, Баҳром газ идорасида ишлайдиган дўсти Юнус билан келгани, керак бўлса газ ҳисоблагични қўриб бериши мумкинлигини айтди.

Юнус отахонга газ ҳисоблагич ўрнатилган хонани кўрсатишни сўраб, унинг ортидан эргашди. Пайтдан фойдаланган Баҳром эса тўғридаги хонада электр иситгич ёнида ўтирган онахоннинг ёнига кириб кетди. Юнус ўзини худди мутахассисдек тутиб, газ ҳисоблагични қўполик билан ён-атрофга бураб қўрди. Лекин унинг бу хахти-ҳаракати газ ҳисоблагичнинг ишдан чиқишига олиб келди. Буни кўрган отахон ўзини тутолмай, Юнусга дакки бера бошлади.

Ошахондан эшитилган шовқиндан онахон безовта бўлиб, улар томон юришга тараддудланди. Аммо ўрнидан туриши билан Баҳромнинг кетма-кет берган муштига дуч келиб, гандираклаганча йиқилди. Баҳром онахонга яна ҳамла қилмоқчи бўлганида чойхонадан енгги орасига солиб келган пичоқ ерга тушди.

Онахон оғриқ ва қўрқувдан бақирмоқчи бўлган эди, Баҳром хонтахта устида ётган рўмолни олиб, уни бўга бошлади.

Қўшни хонадаги тўполонни эшитган отахон ҳам "нима бўлаяпти", дея шу томон юрмоқчи бўлиб, бир-икки қадам ташлаганида Юнуснинг қаршичилиги учради. Юнус ёнидаги пичоқ билан отахоннинг қорнига икки марта урди. Отахон қорини чангаллаганча ерга йиқилиб, инграб юборди. Юнус унинг овозини ўчириш мақсадида учинчи марта биқинига урганида пичоқ синиб кетди. Бундан жаҳли чиқиб, ошахона столи устидаги пичоқни олиб, қариянинг қорнига яна икки-уч марта урди. Сўнг стол устида турган электр чойнак симини отахоннинг бўйнига солиб, бўга бошлади. Қурбонининг жимиб қолганини кўргач, Юнус вақтни бой бермаслик учун чакқонлик билан Баҳром турган хонага югуриб кирди ва ерда ётган пичоқни олди-да, Баҳром устига ўтириб олганча бўгаётган онахоннинг бўйнига зарб билан урди. Кейин кампирнинг бўйнига пичоқ тортиб юборди. Баҳром бундай ваҳшийликдан қаноат ҳосил қилмасдан, ерда қалқанчасига ётган онахоннинг қўқрагига бир неча марта пичоқ урди.

Қўшни хонада ётган отахон Юнусга ҳеч тинчлик бермади. Унинг миёсидеда чарх ураётган "хушига келиб қолиши мумкин" деган фикр қўлига яна пичоқ олиб, ерда ётган отахоннинг орқасидан кетма-кет пичоқ уришга ва бошини кўтариб, томоғини кесиб юборишга мажбур қилди.

Жиноят изини қолдирмаслик учун Юнус қўлига пайпоқ кийиб, хона ичида ушлаган барча нарсаларини артиб чиқди. Пичоқ, электр чойнақ минини эса ўзлари билан ташқарига олиб чиқиб, устларидидаги кийимлари билан бирга уйнинг орқа томонидан оқиб ўтадиган сойга улоқтиришди.

Қаратқолда чойхонада бир соатлар чамаси ўтириб, ўзларига келгач, яна қотиллик содир этилган хонадонга пул топиш мақсадида йўл олишди. Уйга киришлари билан биринчи навбатда уйдаги ҳолат ўзгармаганига, жасадлар қимирлабганига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг, уйни тинтишга тушишди. Ҳамма хоналарни обдон тинтиб чиқиб, икки ярим миллион сўм пул, 200 АҚШ доллари, марҳумларга тегишли бўлган 36 минг сўмлик уяли телефон ва унинг зарядловчи мосламасини топишди. Уйдан чиқар чоғи эса Баҳром марҳума онахоннинг орқа тарафига электр печини ёнғич чиқариш мақсадида тираб қўйди.

Юнус бу қилмишидан кейин чойхонада қолишни ўзи учун хавфли деб билиб, эртасигаёқ ишдан бўшаб кетди ва тўғри Қорасув шаҳридаги бозорга бориб, ёнидаги 100 АҚШ долларини сўмга алмаштирди. Бу пулларга қуртка ва кроссовка сотиб олди. Аммо ҳаром лўқма юқмас, деганларидек, кўзи ожиз икки ногирон пенсионерни ўлдириб, бойлик орттирмоқчи бўлган Юнус Тиллаев ва Баҳром Эркинов орадан икки кун ўтиб қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди уларнинг қилмишини атрофлича қўриб чиқиб, Юнус Тиллаев ва Баҳром Эркиновнинг ҳар бирига 23 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.



2013 йилнинг 12 августида

Fitch Ratings Ltd.

халқаро

рейтинг агентлиги

«Асака» Давлат-Акциядорлик
Тижорат Банкнинг

халқаро кредит рейтинг истиқболини

«БАРҚАРОР»

деб тасдиқлади

Хизматлар лицензияланган

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 16 сентябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари куйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу давлат активлари учун белгиланган қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларга амалга ошириш (1 йил муддатда).

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган гаров суммаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади. Музокаралар 2013 йил 16 сентябрь кuni соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади. Ушбу кuni савдолар бўлмаган тақдирда, 2013 йилнинг 23, 30 сентябрь ҳамда 7, 14, 21 октябрь кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект мазмун	Балансда сакловчин	ПҚ/ВМК	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция критерий мулклар
1	“ТТЗ” ОАЖ тасарруфиди бўлган, “Тушт-сут” савдо дўкони	239,00	Мирзо Улутбек тумани, Ахмал Югнаккой мавзеси, 33а-уй	“ТТЗ” ОАЖ	4.04.2008 №830	173 983 642,43	29 000 000	1 йил
2	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улутбек тумани, Улутбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	7.09.2009 №256	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил
3	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улутбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	7.09.2009 №256	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил
4	Ошхона биноси	534,00	Мирзо Улутбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	454 427 818,20	76 000 000	1 йил
5	Ердэмчи биноси	121,00	Мирзо Улутбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	84 451 635,44	14 500 000	1 йил
6	Ердэмчи биноси	40,00	Мирзо Улутбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	33 892 931,86	6 000 000	1 йил
7	Ишлаб чиқариш биноси (қурилиш тугатилмаган бино)	8 231,00	Юнусов тумани, Соҳибдор кўчаси 2-уй	Математика ва инф. тех. институти	7.09.2009 №256	3 499 609 262,00	1 050 000 000	3 йил
8	“Taayorkov savdo” МЧЖ	28,91% давлат улуши	Олмасор тумани, М.Садиев кўчаси, 88-уй	-	12.08.2011 №233	1 486 370 095,00	-	-

Хизматлар лицензияланган

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Хоразм вилоят филиалида бошланғич баҳоси
босқичма-босқич олиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 27 июндаги 66-АС-сонли буйруғига ва 2013 йил 7 августдаги аукцион комиссиясининг 1-сонли баённомасига асосан, Хонқа туман ҳокимлигига қарашли Хонқа туман “Навхос” қишлоғида жойлашган, бошланғич баҳоси — 73.000.000 сўм бўлган (кейинги ўринларда “Давлат активи” деб юритилади) “Навхос

ФАП”нинг бино ва иншоотлари тақдоран қўйилмоқда.

Балансда сакловчининг номи: Хонқа туман ҳокимлиги.

Фаолият-ихтисослиги: Маъмурий бошқарув.

Умумий ер майдони 290,46 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 226,54 кв.м.

Савдо 2013 йил 18 сентябрь кuni соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тўшлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 17 сентябрь кuni соат 12:00.

Талабгорлар “Давлат активини” бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача “КМСХ” МЧЖ Хоразм вилоят филиалининг АТИБ “Ипотека-банк” Тинчлик Ф-лидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. х/р: 20208000004920609036; МФО: 00580; СТИР: 207122519.

Савдо натижаларига қўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаш-

тириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат “Давлат активини” сотилиш баҳосининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уй. Тел/факс (8-362) 226-32-63. www.1kms.uz. rieltasavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

Хизматлар лицензияланган



«Реал» раҳбарияти фикридан қайтди

Бир мунча вақт Лондоннинг "Тоттенхэм" жамоаси ярим ҳимоячиси Гарет Бэйли сотиб олиш учун ҳаракат қилган Мадриднинг "Реал" клуби раҳбарияти бу фикридан қайтди. The Telegraph нашрининг берган хабарига кўра, бунинг учун етарлича сабаблар бор экан. Биринчидан, "Қироллик клуби" Бэйлига 105 миллион фунт стерлинг тўлашни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди. Иккинчидан, бош мураббий Карло Анчелотти клуб раҳбариятига олдиндаги вазифаларни Бэйлсиз ҳам амалга ошириши мумкинлигини маълум қилган. Бундан ташқари, жамоанинг етакчи футболчиси Криштиану Роналду билан амалдаги шартномани узайтиришга келишиб олинган.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирда Гарет Бэйли сотиб олишга "Манчестер Юнайтед" клуби жиддий бел боғлаган.

Нани ҳеч қаерга кетмайди

The Guardian наشري томонидан тарқатилган хабарга кўра, "МЮ" клуби ярим ҳимоячиси Луиш Нани жамоаси билан янги шартнома имзолаётган экан. Клуб бош мураббийи Дэвид Мойес ҳам 26 ёшли футболчини жамоада олиб қолмоқчи ва унга майдондаги асосий роллардан бирини топширмоқчи.

Нанининг клуб билан тузган амалдаги шартномасининг тугашига 2 йил қолди ва янги шартнома имзолаш бўйича 2 йил аввал бошланган музокаралар тўхтатиб қўйилган эди. Чунки, футболчининг Манчестердаги келгуси фаолияти сўроқ остида турган эди. Бироқ яқинда Луиш ўз агенти Жорж Мендешга клуб билан янги шартнома тузишни истаётганини маълум қилган.



Кондогбиа сотилмайди

Испаниянинг "Севилья" клуби президенти Хосе Мария дел Нидо Жофрей Кондогбининг сотилмаслигини маълум қилди. Футболчи "Севилья"га ўтган йили ёзда келиб қўшилган бўлса-да, унга айтилган вақтда жуда кўп номдор жамоалар — "Реал Мадрид", "Арсенал", "Челси", "Манчестер Сити" ва "Манчестер Юнайтед" дан таклифлар бўлмоқда.

Ёзги трансфер пайтида "Севилья"ни Алваро Негредо, Хесус Навас ва Медел каби футболчилар тарқатишди. Шунинг учун ҳам клуб президенти энди бошқа кучли футболчиларни сотиш ниятида эмас.

Хабарингиз бор, бу футболчи жорий йилнинг июнь-июль ойларида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиб, кичик мундиал ғолибига айланганди.

Шамах «Кристал Пэлэс»га ўтди

Спорт

2010 йилда "Арсенал" клубига ўтиб, Арсен Венгер жамоасида ўз ўрнини топа олмаган Маруан Шамах энди фаолиятини "Кристал Пэлэс" клубида давом эттиради. Футболчи клуб билан бир йиллик шартнома имзолади. "Арсенал"нинг собиқ ҳужумчиси тиббий кўриқдан муваффақиятли ўтиб, янги жамоаси сафида 29-рақам остида тўп сурайдиган бўлди.



Товен «Марсел» нишониди



Франциянинг "Марсел" клуби ёзги трансфер ойнаси ёпилганига қадар Флориан Товени ўз сафига қўшиб олишни режалаштирмоқда. Клуб 20 ёшли франциялик футболчи учун 8 миллион евро бермоқчи.

Хабарингиз бор, Флориан Товени яқинда Туркия давлати мезбонлик қилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиб, жамоаси билан чемпионликка эришган эди. Мусобақанинг чорак финал баҳсида Товен францияликлар таркибида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига қарши майдонда тушган эди.

«Наполи» Траорега харидор

"Анжи" клуби футболчилари ўртасида муаммо юзга келгандан кейин бир қатор футболчиларнинг жамоани тарқатиши мумкинлиги маълум бўлган эди. Бу вазиятдан унумли фойдаланишни кўзлаган Италиянинг "Наполи" жамоаси клуб ҳужумчиси Ласина Траорени сотиб олишни мақсад қилган. Неаполликлар 22 ёшли ҳужумчини харид қилиш имкониятлари устида бош қотиришмоқда. Хабарларга қараганда, "Анжи" уни 20 миллион евро эвазига қўйиб юборишга тайёр.



Чархпалак қулаб тушди

Аргентинанинг шимоли-шарқда жойлашган Росарио шаҳрида томоша чархпалагининг кабинаси қулаб тушиши оқибатида икки нафар қизча ҳаётдан кўз юмган.

Етти киши жароҳатланган. Воқеа кўнгилочар истироҳат боғида юз берган. Одамларни эвакуация қилиш учун аттракцион ташкилотчилари томоша чархпалагини тўхтатишган.

Бу шу йил Росариода юз берган илк фожеа эмас. Ой бошида мазкур шаҳарнинг кўп қаватли биноларидан бирида газ портлаши натижасида 12 киши ҳалок бўлган эди.

Тошқин оқибати

Афғонистоннинг Қобул шаҳри шимолида кучли табиий офат юз берди. Дўл араша ҳал ҳауада кучли сув тошқинини келтириб чиқарди. Оқибатда 22 киши ҳалок бўлди.

Қурбонлар орасида олти нафар бола ҳам бор. Ҳозир жабрланганлар сони аниқланмоқда. Бундан ташқари, сув тошқини кўлаб уй-жойларни вайрон қилган. Худуддаги асосан лойдан қурилган уйлар сувнинг қудратли оқимида дош бера олмаган. Шунингдек, аҳолининг қишлоқ ҳўжалик экинларига, ерларга ҳам сезиларли даражада зарар етган.

Делфинлар нобуд бўлмоқда

АҚШнинг шарқий соҳилида дельфинлар оммавий тарзда нобуд бўлаётгани ҳақида хабар беришмоқда.

Июль ойидан буён ёрда 124 та дельфин нобуд бўлган. Дельфинларнинг деярли барчаси ўлик ҳолатда топилган, фақат етти тасигагина қирғоққа тикриқ ҳолда чиқиб қолган.

Экспертлар ушбу сут эмизувчиларнинг ўлимига айнан инфекция сабабчи бўлиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Нобуд бўлган дельфинларнинг тўқималаридан уларнинг ўлимига сабаб бўлган касалликни кўзгатувчи вирус топилган. Жониворларнинг жасади текширилганида, уларда ўпка шикастланиши борлиги аниқланган. Бироқ ҳозирча нобуд бўлган барча дельфинларни боғловчи умумий бир касаллик ёки жароҳат топилмаган.

Рокатенда вулқони уйғонди

Индонезиянинг шарқий қисмида жойлашган Кичик Зона оролларидаги Рокатенда вулқони отилиши натижасида олти киши ҳаётдан кўз юмган.

Қарийб икки километр баландликка қул ва тутун отиб чиқарган вулқон эрта тонгда қирғоқ бўйида жойлашган Рокироле қишлоғининг бир қисмини лава остида қолдирган. Воқеадан бир кун олдин Индонезия ҳукумати вулқон яқинида жойлашган аҳоли пунктларидан уч мингга яқин аҳолини эвакуация қилганди. Бироқ шунга қарамастан, ҳукуматнинг огоҳлантиришидан қўрқмаганлар ҳам бўлди. Оқибатда уларнинг олти нафари ҳаётдан кўз юмди. Маълум бўлишича, ҳалок бўлганлар орасида икки нафар бола ҳам бўлган. Таъкидлашларича, Рокатенда Индонезиядаги 129 та уйғоқ вулқондан бири ҳисобланади. 17 мингдан зиёд оролдан иборат худудда 240 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Индонезияликлар зилзила ва вулқон отилишларига қўнқиб кетган, чунки уларнинг мамлакати Ер сайёрасининг сейсмик жиҳатдан энг фаол нуқталаридан бирида жойлашган.

Халқаро ҳаёт

Учувчилар кўзига тушган лазер

"Шереметьево" аэропортига қўнаётган Россиянинг "Аэрофлот" компаниясига тегишли учта самолёт учувчиларининг кўзлари номалум шахслар томонидан лазер нурлари билан қамаштирилган, дея хабар беради аэропорт авиационетчерлик хизмати.

"Воқеалар кетма-кет юз берди, ҳаммаси халқаро рейслар эди. Биринчи ҳодиса Нишадан учиб келаётган А-321 самолёти қўнаётган пайтда, соат 23:27да қайд этилди. Кейингиси Стокгольмдан учиб келган А-319 самолёти билан соат тахминан 23:30ларда юз берди", — дейишмоқда бу воқеага гувоҳ бўлганлар. Қарийб 20 дақиқадан кейин Испаниядан учиб келаётган "Аэрофлот"нинг халқаро рейси билан ҳам худди шу воқеа қайд этилган. Учала самолётнинг учувчилари ҳам лазер йўналтирилган тахминан битта жойни кўрсатган. Бу "Шереметьево" аэропортидан 60 км ғарбда жойлашган Никольское қишлоғининг худуди бўлган. Учала рейс ҳам ерга муваффақиятли қўнди, йўловчилар ва экипаж аъзоларидан ҳеч ким жабрланмаган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kundiri chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqiriz
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan
amalgos oshiriladi.

□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rinishi
231

Buyurtma j-7824. 47 089 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G. ALIMOV
Musahhih: M. QAMBAROV
Navbatchi: O. DENOMOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbaa va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'y xatga olingan.

ISSN 2010-7617

